

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ



Муҳтарам ватандошлар!
Бетакорр диёримизга янги — 2021 йил кириб келмоқда.
Сиз азизларни, мўътабар нурунийларимиз, меҳрибон опа-сингилларимиз, навқирон ёшларимизни — кўп миллатли бутун халқимизни ушбу гўзал айём билан чин қалбимдан табриклайман.
Барчангизга сиҳат-саломатлик, тинчлик-хотир-жамлик, бахту саодат ва фаровонлик тилайман.
Азиз дўстлар!
Ҳаммамиз гувоҳимиз, 2020 йил бутун дунё қатори юртимиз учун ҳам оғир ва мураккаб келди. Коронавирус пандемияси, глобал инқироз инсониятни жиддий синовдан ўтказмоқда.
Мана шундай мураккаб вазиятга қарамастан, мард ва олижаноб халқимизнинг матонати, фидокорона меҳнати билан барча соҳаларда катта ўзгаришларни амалга оширдик.
Иқтисодий-иқтисодий етакчи тармоқларини ривожлантиришга эришдик. Юқори технологияларга асосланган ўнлаб янги корхоналар, транспорт тизимлари ишга туширилди. Замонавий уй-жойлар, йўл ва кўприклар, боғча ва мактаблар, шифохоналар, маданият ва санъат, спорт масканларини барпо этдик.
Миришкор деҳқон ва фермерларимиз бар-

ча қийинчиликларни мардона енгиб, мўл ҳосил етиштирдилар. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини янада кенг имкониятлар очилди. Йил давомида аҳоли, айниқса, ёшлар ва хотин-қизлар учун минглаб янги иш ўринлари яратилди.
Ўтиб бораётган йил жамиятимизнинг маънавий-маърифий ҳаётида ҳам муҳим воқеаларга бой бўлди.
Хорижий давлатлар, аввало, яқин қўшниларимиз билан дўстлик ва ҳамкорликни янада кучайтирдик. Ўзбекистоннинг халқаро нуфузини юксалтириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди.
Қадрли юртдошлар!
Биз кириб келаётган 2021 йилга яхши ният ва катта режалар билан **Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили** деб ном бердик.
Янги йилда иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда бошлаган кенг қўламли ислохотларимизни изчил давом эттирамиз.
Юртимизда тинчлик ва барқарорлик, миллатлар ва элатлар ўртасидаги тотувлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибатни мустаҳкамлаш асосий вазифамиз бўлиб қолади.
Халқимизнинг турмуш фаровонлигини оши-

риш, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга алоҳида аҳамият берамиз.
Азиз ёшларимиз, меҳнаткаш ва оқила опа-сингилларимиз, муҳтарам кексаларимизнинг ҳаётий манфаатларини таъминлаш эътиборимиз марказида бўлади. Соғлиқни сақлаш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш масалалари янги босқичга кўтарилади.
2021 йилда давлатимиз мустақиллигига **30** йил тўлади. Ушбу шонли санани, иншооллох, барчамиз биргаликда муносиб нишонлаймиз.
Янги Ўзбекистонни барпо этиш, миллий юксалиш пойдеворини яратишга қаратилган улкан ишларимизни қатъий давом эттирамиз.
Азиз ватандошларим, қадрдонларим!
Шу гўзал оқшомда барчамизнинг ниятимиз, тилагимиз битта: юртимизда яшаётган ҳар бир оила, ҳар бир инсон мурод-мақсадига етсин!
Жонажон Ўзбекистонимиз гуллаб-яшнасин, дунёмиз тинч бўлсин!
Кириб келаётган 2021 йил она диёримизга файзу барака, янги ютуқ ва зафарлар олиб келсин!
Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Айни дамларда бутун дунёда байрам шукуҳи кезиб юрибди. Барча учун синовли йил ортда қолиб, янги 2021 йил кириб келди. Шу файзли паллада ҳар бир инсон эзгу умидлар билан ўз олдига катта мақсадлар қўяди, дўсту қардошларига ҳам яхшиликлар тилайди.

Янги йил байрами муносабати билан Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев номига хорижий давлатлар, ҳукуматлар ва парламентлар, нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотлар раҳбарларидан самимий қутловлар келмоқда.
Уларда 2020 йилги хатар ва қийинчиликларга қарамай, мамлакатимиз билан ҳамкорлик изчил ривожлангани таъкидланиб, келгусида ўзаро муносабатлар янада мустаҳкамланишига ишонч билдирилган.
Давлатимиз раҳбарига сиҳат-саломатлик ва муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига эса тинчлик, фаровонлик ва раванқ тилаб, эзгу ниятлар изҳор этилган.

Жумладан, қуйдагилар ўз табрикларини йўллаган:

Россия Федерацияси Президенти **Владимир Путин**;
Хитой Халқ Республикаси Раиси **Си Цзиньпин**;
Америка Қўшма Штатлари Президенти **Дональд Трамп**;
Туркия Республикаси Президенти **Режеп Таййип Эрдоган**;
Европа кенгаши Президенти **Шарль Мишель**;
Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти — Элбоши **Нурсултон Назарбаев**;
Қозоғистон Республикаси Президенти **Қосим-Жомарт Тоқаев**;
Туркменистон Президенти **Гурбангули Бердимухамедов**;
Тожикистон Республикаси Президенти **Эмомали Раҳмон**;
Қирғизистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи **Талант Мамитов**;
Озарбайжон Республикаси Президенти **Илҳом Алиев**;
Беларусь Республикаси Президенти **Александр Лукашенко**;
Арманистон Республикаси Бош вазири **Никол Пашинян**;
Корея Республикаси Президенти **Мун Чже Ин**;
Афғонистон Ислом Республикаси Президенти **Ашраф Ғани**;
Эрон Ислом Республикаси Президенти **Ҳасан Рӯҳоний**;
Бирлашган Араб Амирликлари Президенти **Халифа бин Зоид Ол Наҳаён**;
Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти, Бош вазири, Дубай амирлиги ҳокими **Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум**;
Бирлашган Араб Амирликлари Қуролли кучлари Олий бош қўмондони ўринбосари, Абу-Даби Амирлиги валиаҳди **Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён**;
Кувайт Давлати Амири **Наваф ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ**;
Дания Қироличаси **Маргрет II**;
Норвегия Қироли **Харалд V**;
Венгрия Президенти **Янош Адер**;
Польша Республикаси Президенти **Анжей Дуда**;
Латвия Республикаси Президенти **Эгилс Левитс**;
Ирландия Республикаси Президенти **Майкл Хиггинс**;
Сингапур Республикаси Президенти **Ҳалима Ёқуб**;
Мўғулистон Президенти Халтмаагийн **Баттулга**;
Янги Зеландия Генерал-губернатори **Петси Редди**;
Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши Раиси **Валентина Матвиенко**;
Россия Федерацияси Ҳукумати Раиси **Михаил Мишустин**;
Хитой Халқ Республикаси Раисининг ўринбосари **Ван Цишань**;
Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгаши Бош вазири **Ли Кецянь**;
Япония парламентининг Масахатчилар палатаси президенти **Акио Санто**;
Сингапур Республикаси Бош вазири **Ли Сянь Лун**;
Венгрия Бош вазири **Виктор Орбан**;
Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби **Владимир Норов**;
Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия қўмитаси раиси — Ижрочи котиби **Сергей Лебедев**;
Шимолий Атлантика шартномаси ташкилоти (НАТО) Бош котиби **Йенс Столтенберг**;
Европа Марказий банки президенти **Кристин Лагард**;
Жаҳон божхона ташкилоти Бош котиби **Кунио Микурия**;
Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши Бош котиби **Бағдат Амреев**.

Қутловлар келиши давом этмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТУРКИЯ ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев
31 декабрь куни Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоган
билан телефон орқали мулоқот қилди.

Суҳбат аввалида давлат раҳбарлари кириб келаётган янги 2021 йил муносабати билан бир-бирларини самимий табриклаб, мамлакатларимизнинг биродар халқларига тинчлик, фаровонлик ва раванқ тиладилар.
Президентлар коронавируснинг глобал миқёсда тарқалиши ва жаҳон иқтисодиётига салбий таъсири билан боғлиқ мураккаб шароитда Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва кўп қиррали шерикликни изчил ривожлантиришга эришилганини алоҳида таъкидладилар.
Пандемияга қарши курашда кўрсатилган ёрдам ва амалий кўмак учун Туркия томонига алоҳида миннатдорлик билдирилди.
Савдо-иқтисодий соҳадаги ҳамкорлик натижалари ҳам мамнуният билан қайд этил-

ди. Товар айирбошлаш кўрсаткичлари ва транспорт қатновлари сўқлаб қолинди, бир йилда Туркия инвесторлари иштирокида 300 та янги корхона ташкил этилди. Икки мамлакатнинг етакчи компаниялари томонидан энергетика, шахарсозлик, инфратузилмани модернизация қилиш, қишлоқ хўжалиги ва иқтисодий ётнинг бошқа тармоқларида йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда.
Ўзбекистонда устувор йўналишларда амалга оширилаётган институционал ислохотларни қўллаб-қувватлаш учун Туркиядан малакали эксперт ва маслаҳатчилар жалб қилинган.
Маданий-гуманитар алмашинувлар дастури кенгаймоқда.
Давлат раҳбарлари Ўзбекистон — Туркия муносабатларининг бутун салоҳиятини

самарали ишга солиш ва кенг қўламли ҳамкорликни ривожлантириш лозимлигини қайд этдилар.
Яқин йилларда товар айирбошлаш ҳажмини 5 миллиард долларга етказиш имконини берадиган Ўзбекистон ва Туркия ўртасида преференцияли савдо келишувини тез фурсатда қабул қилиш муҳим экани таъкидланди.
Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди. 2021 йилги икки ва кўп томонлама тадбирлар режаси кўриб чиқилди, уларга пухта тайёргарлик қўриш бўйича биринчи галдаги чоралар белгилаб олинди.
Ўзбекистон ва Туркия раҳбарларининг телефон орқали мулоқоти ҳар доимгидек ишонч, очиқлик ва дўстлик руҳида ўтди.

ЎЗА

Янгиланаётган Ўзбекистон



КЎҲНА ВА НАВҚИРОН ХОВОСНИНГ СЕҲРЛИ ЖИЛОСИ

“Одамлар эртага эмас, олис келажакда эмас, бугун яхши яшаши керак”. Президентимиз Шавкат Мирзиёев бу ғояни жамият ҳаётидаги муҳим вазифа сифатида илгари сурганига ҳали кўп вақт бўлмади. Бироқ қисқа вақт ичида бу хайрли ташаббус шу қадар кенг қўлоқ ёйдики, пировардида, юртимизнинг ҳар бир гўшаси обод ва файзли масканга айланмоқда. Бунёдкорлик, яратувчилик ишлари халқимизнинг дунёқараши ва ҳаёт тарзини тубдан ўзгартириб юборди.

Давоми 4-бетда



» Давр нафаси

МАҲАЛЛА — ЁРУҒ ЮЗИМИЗ ВА ВИЖДОНИМИЗ КЎЗГУСИ

Раҳмат МАМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири,
Олий Мажлис Сенати аъзоси

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаси барча юртдошларимиз, кенг жамоатчилик ҳамда халқаро қулатувчилар томонидан катта қизиқиш билан қутиб олинди. Давлатимиз раҳбари 2020 йилда инсоният бошига келган жиддий синов — коронавирус касаллиги ва унинг халқимиз турмуш тарзига таъсири ҳақида тўхталиб ўтар экан, халқимиз бу қийин кунлардан ўзаро ҳамжихатлик ва бирдамлик билан ўтиб келганини алоҳида таъкидлади. Шунингдек, саховатли халқимизнинг меҳру муҳаббатли, ҳиммати қийин кунларда фуқароларимизга катта мадад бўлганини таъкидлади.



Кейинги йиллар давомида давлатимизда ёшлар сиёсатида кечаётган туб ислохотлар замирида келажақ авлод қамолотини таъминлаш, уларни жамиятнинг энг муҳим ташаббускори сифатида қамол топтириш каби эзгу гоя ётгани барчамизга яхши маълум. Мурожаатномада мазкур масалаларга ҳам алоҳида урғу берилиб, ёшлар бандлигини таъминлаш ва уларнинг тадбиркорлик ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бугунги куннинг энг муҳим вазифаси экани қайд этилди.

Айниқса, фарзандларимизнинг таълим-тарбиясини янада яхшилаш, бу борада “Янги Ўзбекистон мактаб оstonасидан, таълим-тарбия тизимида бошланади” ғояси асосида кенг қўллаб-қувватлаш амалга оширилиши белгиланди.

Мазкур фикрларга ҳамоҳанг равишда Президентимизнинг кириб келаётган 2021 йилга мамлакатимизда “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” деб ном бериш хусусидаги таклифи барча юртдошларимиз томонидан катта хурсандлик билан қабул қилинди.

Давлатимиз раҳбари ёшларни олий таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича мавжуд кўрсаткичларни янада оширишда ўз фикрларини билдирар экан, бу борада, аввало, эҳтиёжманд оила фарзандларини қўллаб-қувватлаш энг муҳим вазифалардан бири эканини қайд этди. Жумладан, кейинги йилдан бошлаб олий ўқув юртиларига қабул қилишда эҳтиёжманд оилалар қизлари учун давлат грантлари икки баробар қўлайтирилди, 2 мингтага етказилди, аҳоли баҳолашга ўқитган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларда яшаётган қизларга махсус стипендиялар жорий этиладиган бўлди.

Шунингдек, эҳтиёжманд оилалар фарзандлари, чин етим, ногиронлиги бўлган ва даво-ланишга муҳтож болаларга алоҳида меҳр-муруват кўрсатиш бўйича янги тизим жорий этилиши таъкидланди. Унга қўра, 2021 йилда 900 нафар чин етимни уй-жой билан таъминлаш учун биринчи марта давлат бюджетидан 50 миллиард сўм ажратилади. Айтиш мумкин-ки, ҳаётга жорий этилаётган мазкур амалиёт орқали қўллаб-қувватлаш оилаларнинг турмуш тарзиде қатор енгилликлар пайдо бўлади, ота-она меҳрига тўймаган юзлаб фарзандларимиз ҳаётида янги саҳифа очилади.

Мурожаатномада бир қатор соҳалар қатори маҳалла тизимидаги ишларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. Жумладан, юртимиздаги ислохотлар натижалари, содир бўлаётган ўзгаришлар ва бунга аҳолининг муносабати, уларнинг кайфияти, аввало, маҳаллада акс этгани, маҳаллада сезилиши зарурлиги таъкидланди. Давлатимиз раҳбари бу борадаги ўз фикрларини давом этар экан, “...Маҳалла — ёруғ юзимиз

ва виждонимиз кўзгуси, десак, тўғри бўлади”, дея маҳалланинг одамлар ҳаётида нақадар муҳим маскан эканига муносиб баҳо берди.

Дарҳақиқат, бугун “юқоридан — қуйига” таъминоти асосида барча соҳаларда олиб борилаётган ислохотлар механизмида маҳалланинг ўрни ва аҳамияти ортиб бормоқда. Айниқса, маҳалла фуқаролар йиғинлари раисларининг жараёнлар марказида бўлиши, маҳалласидаги мавжуд муаммоларни энг муҳим масала сифатида маҳаллий ҳокимликлар олдида қўйиши бўйича янги амалиёт тизими яратилмоқда.

Президентимиз мазкур иш тизимини йўлга қўйиш учун бугунги кунда барча даражадаги раҳбарлар қуйига тушиб, ўз соҳаси бўйича маҳаллалардаги муаммоларни ўрганиши ва уларга ечим топиши, натижаларни одамлар ўз ҳаётларида сезиши лозимлигини таъкидлади.

Маҳалланинг нуфузини ошириш, бунинг учун фуқаролар йиғинларининг моддий-техник имкониятлари, тизим ходимларининг моддий таъминотини яхшилаш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқиш бўйича ўз тавсияларини билдирди.

Мазкур масалаларни тўлақонли ҳал этиш мақсадида жорий йилда туманлар бюджетига қўшимча манбаларнинг камида 10 фоизини бевосита маҳалладаги муаммоларни ҳал этишга сарфлаш бўйича ишлар бошланиб, ушбу мақсадларга 70 миллиард сўм ажратилди. Энди эса бу ваколатлар янада кенгайтирилиб, туман бюджетига харажатларининг яна 5 фоизини қўшимча равишда ана шундай мақсадларга йўналтириш бўйича янги тартиб жорий этилади ва маҳаллалардаги аҳоли долзарб деб ҳисоблайдиган муаммоларни ҳал этишга сарфланади.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида маҳалла тизими ходимларининг ваколат ва ҳуқуқларини ошириш бўйича аниқ масалаларни ўртага ташлар экан, маҳалла раиси ва унинг ўринбосарлари ваколатларини кенгайтириб, уларга жойлардаги аҳоли муаммоларини бевосита ҳал қилиш учун зарур ҳуқуқ ва имконият бериш бўйича фикр билдирди. Энг муҳими, янги амалиётга қўра, энди маҳалла раиси маҳаллий ҳокимлик кенгаши мажлисларида қўриб чиқилиши мажбурий бўлган масалаларни муҳокамга қўяди ва уларнинг ечими бўйича ўзининг аниқ таклифларини билдирди. Бу ташаббус, ўйлашмики, маҳалладаги аҳоли муаммоларини тезкор ҳал қилишда тизим ходимларига катта имконият беради.

Давлатимиз раҳбари маҳаллада меҳнат қилаётган малакали ва ташаббускор ходимларни давлат идоралари раҳбарлиги лавозимларига тавсия этиш тизимини йўлга қўйилишида зарур кўрсатмаларни берди. Бунинг учун Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси, Вазирлар Маҳкамасига 2021 йил 1 апрелга қадар

маҳаллий ижро ва вакиллик органлари ҳамда маҳалла институти фаолиятини тўбдан такомиллаштиришга оид янги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича зарур топшириқлар бериб ўтди. Мазкур ҳужжат лойиҳасида ҳокимлар, уларнинг ўринбосарлари ва маслаҳатчиларининг ваколат чегараси, вазифа ва функциялари аниқ белгиланади.

Мурожаатномада юртимизда камбағалликни қисқартириш борасидаги кенг қўламли ислохотлар мазмун-моҳияти ҳақида сўз юритилиб, давлатимиз раҳбари, жумладан, шундай деди: “Бир ҳақиқатни аниқ тушуниб олишимиз керак — камбағаллик масаласи кредит, ижтимоий нафақа ёки уй бериш билан ўз-ўзидан ҳал бўлиб қолмайди. Бунинг учун таълим, соғлиқни сақлаш, касб-ҳунарга ўқитиш, ичимлик сув, энергия ва йўл инфратузилмаси билан боғлиқ комплекс муаммоларни ҳал этиб бориш керак”.

Таъкидланганидек, ҳудудлардаги эҳтиёжманд оилалар билан манзилли ва тизимли иш олиб бориш бўйича юртимизда янгича иш тартиби — “Темир дафтар” тизими яратилди. Бунинг натижасида айни вақтда жойларда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ҳақида аниқ маълумотлар шакллантирилиб, уларга зарур ижтимоий ёрдам кўрсатилмоқда. Айниқса, 2021 йилдан тўлиқ ишга туширилаётган “Ижтимоий реестр” орқали эҳтиёжманд оилаларга ўттиздан зиёд ижтимоий хизмат электрон шаклда кўрсатилиши юртдошларимизга катта қўлайликлар яратди.

Мурожаатномада эҳтиёжманд аҳоли қатламини камбағалликдан чиқариш бўйича аниқ кўрсатмалар берилди. Жумладан, юртдошларимизнинг ўз касбий кўникмалари орқали даромад топишнинг таъминлаш мақсадида 2021 йили маҳаллаларда аҳолини касб-ҳунарга ўқитиш бўйича мингдан зиёд марказ ташкил этилади. Бу жараёнда касб-ҳунарга ўқитилган ҳар бир шахс учун ўқув марказларига бир миллион сўмгача субсидия берилиб, бунинг учун бюджетдан 100 миллиард сўм ажратилади. Ўқув курсларини тамомлаб, ўз бизнесини бошламоқчи бўлган фуқароларга усуналар харид қилиш учун 7 миллион сўмгача субсидиялар тақдим этилади.

Албатта, давлатимиз томонидан кўрсатилаётган бу каби ижтимоий қўллаб-қувватлов эҳтиёжманд оилалар ҳаётида катта ихобий бўрилиш ясаши билан бирга, уларнинг доимий даромад топишида муҳим қадам бўлади.

Бир сўз билан айтганда, давлатимиз раҳбарининг кенг қамровга эга ва ҳаётимизнинг турли жаҳдаларини қамраб олган Мурожаатномаси халқимиз турмуш даражасини янада ошириш ҳамда жамиятимиздаги мавжуд муаммоларни тезкор ҳал этишдаги долзарб аҳамияти билан барчамиз учун қадридлидир.

» Муносабат



Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида фуқароларимиз учун муносиб шaroитларни яратиш, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, халқаро майдондаги нуфузини оширишга доир долзарб вазифалар белгилаб берилди. Коронавирус пандемияси туфайли инсоният учун синовли келган 2020 йилда давлатимиз раҳбари бошчилигида эришган ютуқларимиз барчамизга зўр қувонч, мустаҳкам ишонч бағишламоқда. 2021 йил мамлакатимизда Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили, деб эълон қилинди. Бугун шу йил бошида турибмиз. Мақсадларимиз улкан, зиммамизда вазифалар кўп. Масъулият, фидойилик билан ёндашсак, албатта, барчасини ундалаймиз.

Мурожаатнома ички ишлар фаолиятининг асосий мезони бўлади



Пўлат БОБОЖОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
ички ишлар вазири,
генерал-лейтенант

Бу йил давлат органларининг бошқарув идора раҳбарлари ўз ишини туман, шаҳар, қишлоқ ва маҳалла кесимида режалаштириб, йўлга қўяди. Бунинг учун жамиятимизнинг энг қуйи тизими — маҳаллаларда иш ташкил этилади. Асосий эътибор ижтимоий-маиший муаммолари мавжуд оилалар билан манзилли ишлаш, ёш авлоднинг чинакам ватанпарвар этиб, қонунга итоаткорлик руҳида тарбиялаш, аҳоли орасида жисмоний тарбия ва соғлом овқатланишни оммалаштириш масалаларига қаратилади.

Давлатимиз раҳбари ўз Мурожаатномасида таъкидлаб ўтганидек, бугунги кунда жойларда ечимини кутаётган қўллаб-қувватлаш масалалар мавжуд. Ачинарлиси, ёшлар орасида ишчилик, маънавий оқсоқланлиш, фуқаролар ўртасидаги зиддиятчилик, низоли ҳолатлар бугунги кунда жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг асосий сабаби бўлиб қолмоқда.

Шунинг учун, 2021 йилда жойлардаги ички ишлар органлари раҳбарларига бириктирилган секторлар айнан ушбу масалаларни “маҳаллабай” тарзида ҳал қилиш борасида аниқ чора-тадбирларни белгилаб боради. Мақсад “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган оилалар, йигит-қизлар билан манзилли ишлаб, муаммоларини бартараф этишдир.

Жорий йилда қонун устуворлигини таъминлаш ва инсонпарварлик тамойилига таянган ҳолда, жиноятга қўл урган инсонларни жамиятимизнинг муносиб вакили этиб, соғлом турмуш тарзига қайтариш мақсадида 25 та манзил-колони-яларни босқичма-босқич қисқартириш

бўйича ишлар амалга оширилади. Биринчи марта озодликдан маҳрум этилган шахсни тўғридан-тўғри пробация назорати олиб, уларни оиласи бағрида тарбиялаш имконияти яратилади.

Ўз навбатида, жойлардаги барча давлат ташкилотлари вакилларини жалб этиб, аҳоли ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг ҳар қандай қўринишига нисбатан муросасизлик муносабатини шакллантиришга қаратилган самарали ишларни амалга ошириш ички ишлар органларининг асосий вазифаси этиб белгиланди.

Ҳар бир маҳаллада жиноятчиликни жилавлалаш, айниқса, ўта оғир ва оғир турдаги жиноятларнинг барвақт олдини олиш ишларини янада жадаллаштириш мақсадида ҳудудий ички ишлар органларининг маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлинмалари, Миллий гвардия ҳамда прокуратура билан ўзаро амалий ҳамкорлигини кучайтириш чоралари қўрилади. Айниқса, хонадон ўғирликлари, фирибгарлик, босқинчилик, талончилик каби жиноятлардан фуқароларимизни асраш борасида кенг қамровли профилактик тадбирлар ўтказиб борилади. Шу билан бирга, коррупция, одам савдоси, наркожиноятлар каби ижтимоий ҳавфи катта ҳисобланган жиноий қилмишлар учун “жазо муқаррарлиги принципи”ни тўлиқ таъминлаш борасидаги тезкор тадбирлар янада қучайтирилади.

Президентимиз ўз Мурожаатномасида айтганидек, 2005 йилгача мамлакатимизга келиб, доимий яшаётган, шунингдек, юртимизда 15 йил давомида мўҳим яшаган фуқаролари бўлмаган шахсларга ҳам 2021 йилдан тўғридан-тўғри Ўзбекистон фуқаролигини бериш тартиби жорий этилади.

2021 йилда фуқароларимизнинг мушқулчини осон қилиш борасида яратилаётган шароитлар ва қўлайликларни янада кенгайтириш учун ички ишлар органлари томонидан аҳолига интерактив тарзда қўрсатилаётган давлат хизматларининг сони 12 тадан 20 тагача етказилади. Шунингдек, барча давлат органлари учун фаолиятини очиклик ва шаффофлик тамойили асосида ташкил этиш асосий вазифалардан бири этиб белгиланди. Бу борада бошланган ишларни жадаллаштириб, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлигини янада қучайтириш чоралари қўрилади.

Бир сўз билан айтганда, Мурожаатномада белгиланган барча вазифалар ички ишлар органларининг келгуси фаолияти учун муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

» Имтиёз ва рағбат



Ақтам ҲАЙТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
Спикери ўринбосари

Бугун барчамиз мамлакатимиз сиёсий ҳаётидаги том маънода тарихий ва унутилмас воқеага гувоҳ бўлдик. Конституциямизнинг 93-моддаси 7-бандига мувофиқ, Президентимиз мамлакат тарихида турткини маротаба Олий Мажлис палаталарига Мурожаатнома йўллади.

Ушбу тарихий ҳужжатда ўтган йил давомида барча соҳаларда амалга оширилган ишлар, 2021 йилга мўлжалланган устувор йўналишлар, давлатимиз ички ва ташқи сиёсати учун асосий вазифалар баён этилиб, долзарб қўнунчилик ташаббуслари илгари сурилди. Халқимизнинг эҳтиёжлари ва орзу-умидлари, амалга оширилаётган ислохотлардаги кескин муаммолар ҳамда уларни ҳал қилишга оид аниқ режалар белгиланди.

2020 йил халқимизнинг қудрати ва салоҳияти, мардлиги ва матонати ҳар қачонгидан ҳам ақлоқ намоён бўлган йил сифатида тарихда қолди. Ўтган

ЯНГИ КОДЕКС — ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ЖАДАЛ РИВОЖИ УЧУН МУСТАҲКАМ КАФОЛАТ

йилда Давлат дастурига мувофиқ, янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича барча соҳаларда изчил ислохотлар амалга оширилди.

Масалан, республикамизда 197 та йирик, минглаб кичик ва ўрта корхона ҳамда инфратузилма объекти барпо этилди. Қишлоқ ҳўжалигидаги ислохотлар, ер майдонлари тўлиқ хусусий кластер ва кооперацияларга берилгани пахтачиликда ҳосилдорлиқни бир йилда ўртача 10 фоиз ошириш имконини яратди. Мева-сабзавотчилик, галлалчилик ва чорвачиликда ҳам 500 га яқин кластер ва кооперация фаолияти йўлга қўйилди. Бунинг натижасида, пандемиянинг салбий таъсирига қарамадан, 1 миллиард долларлик мева-сабзавот экспорт қилинди.

Шунингдек, 91 минг гектар ер майдони қайтадан фойдаланишга киритилиб, 133 минг гектар ёки 2019 йилдагига нисбатан 2 баробар кўп майдонда сувни тежайдиган технологиялар жорий этилди. Тадбиркорликни кенг қўллаб-қувватлаш бўйича қўллаб-қўйиш ва енгилликлар берилди. Тадбиркорлик субъектларига 100 триллион сўм ёки 2016 йилдагига нисбатан қарий 4 баробар кўп кредитлар ажратилди. Умуман олганда, 2020 йил аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида тўб бурилиш йили бўлди. 2020 йилда аҳолининг муайян қатлами ўртасида камбағаллик мавжудлиги биринчи марта тан олинди, уни қисқартириш бўйича кенг қамровли ишлар бошланди. Барча туман ва шаҳарларда, ҳар бир маҳаллада эҳтиёжманд оилалар, аёллар ва ёшлар билан манзилли ишлаш бўйича мутлақо янги тизим жорий этилди.

Қисқа муддатда бу тизим орқали 527 минг фуқаронинг бандлиги таъминланди. Узини-ўзи банд қил-

ган аҳоли учун солиқ имтиёзлари берилиши ҳамда қўпгина чекловларнинг бекор қилиниши туфайли 500 минг фуқаро меҳнат фаолиятини қўнуний тарзда йўлга қўйди. Деҳқон ҳўжалиги ва томорқа ер эгаларига 300 миллиард сўм имтиёзли кредит ва субсидия ажратилгани ҳам қишлоқ аҳолисини ижтимоий қўллаб-қувватлашда янги йўналишга айланди.

Президентимизнинг Ватанимиз равнақи, халқимиз фаровонлиги йўлида туну кун тиним билмасдан, бор билим ва тажрибаси, қуч ва имкониятини сафарбар этаётгани сабабли Ўзбекистон “Очик маълумотларни қулатиш” халқаро индексида 125 поғонага кўтарилиб, 44-ўринни эгаллади. “Иқтисодий эркинлик” рейтингига мамлакатимизнинг 26 поғона кўтарилгани эса Ўзбекистондаги ислохотларнинг халқаро майдондаги яна бир эътирофи бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг бу гапни Мурожаатномасида ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга молик қатор долзарб масалалар илгари сурилди. Муҳим вазифалар белгилаб берилди. Шу жиҳатдан биз мамлакатимиздаги етакчи сиёсий партия сифатида барча имкониятларимизни Президентимиз томонидан белгилаб берилган мақсадларга эришиш йўлида фаол ва самарали иштирок этиш учун тўла сафарбар этмоғимиз лозим.

Биринчидан, 2021 йил мамлакатимизда “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” деб эълон қилинди ва шу билан ўғил-қизларимизни меҳнат бозорига талаб юқори бўлган замонавий касб-ҳунарларга ўргатиш, уларда тадбиркорлик қўнунчилиги ва меҳнатсеварлик фазилатларини шакллантириш ҳамда ташаббусларини рўёбга чиқариш зарурлигига алоҳида урғу берилди. Бу борада ёшларнинг ўз бизнесини йўлга

қўйиши, стартап лойиҳаларини амалга ошириши учун зарур чора-тадбирлар қўрилади ва ушбу йўналишни тўбдан ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади. Зеро, баркамол, эркин, қучли ва жасур ёшлар жамият таянчи, келажагимиз бунёдкоридир.

Иккинчидан, камбағалликни қисқартириш борасида комплекс ёндашув ва ностандарт усулларни жорий этиш бўйича улкан вазифалар маълум қилинди. Бу қўллаб-қувватлаш чоралари бирлаштириш талаб қилади. Чунки камбағаллик масаласи кредит, ижтимоий нафақа ёки уй бериш билан ўз-ўзидан ҳал бўлиб қолмайди. Бу борада “Темир дафтар”га киритилган ҳар бир фуқарони камбағалликдан чиқариш бўйича “мотивация, кўнаникма ва молиявий кўмак” тамойили асосида янги механизм жорий этилиши камбағалликни қисқартиришга қаратилган муҳим ташаббусдир.

Учинчидан, айрим жойларда тадбиркорларнинг мулкка доир ҳуқуқларини бузиш ҳолатлари давом этаётгани айтилиб, бу масалада давлат органлари тизимидаги раҳбар ва мутасаддиларни маъмурий жавобгарликка тортиш бўйича Бизнес омбудсманга ваколат бериш таклиф этилди. Бу жараёнда Олий Мажлис Қўнунчилик палатаси депутатлари Мурожаатномасида вазифалардан келиб чиқиб, тадбиркорларга елкадош бўлади, уларни доимо қўллаб-қувватлайди. Ишбилармонларнинг ҳақ-ҳуқуқларини, айниқса, хусусий мулк дахлсизлигини таъминлашга хизмат қиладиган қатор қонунларни яратиш каби қонун ижодкорлиги фаолиятига киришилади.

Тўртинчидан, бугунги кунда тадбиркорлик соҳасига оид бўлган 14 мингдан ортиқ қонун ва қўноности ҳужжати мавжуд. Бу эса тадбиркорлар

учун қийинчилик туғдираётган эди. Шу жиҳатдан партияимиз сайловолди дастурида бизнес юритишнинг опис истиқболга мўлжалланган имкониятини таъминлаш, бугунги кунда тадбиркорлик соҳасини тартибга солувчи юзлаб қонун ҳужжатлари мавжудлигини инобатга олиб ҳамда давр талабларидан келиб чиқиб тадбиркорлик соҳасидаги қўнунчиликни янада такомиллаштириш ва либераллаштириш мақсадида ягона Тадбиркорлик кодексини ишлаб чиқиш устувор вазифа сифатида белгиланган.

Мурожаатномасида тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ 5 мингга яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжат қайта қўриб чиқилиб, уларнинг сонини қисқартириш ҳамда Тадбиркорлик кодексини ишлаб чиқиш таклифи илгари сурилгани том маънода тарихий воқеа бўлди. Ушбу ташаббусни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкам қилиб тайёрлаш, зарур тақлиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш зиммамизга катта масъулият юклайди. Эндиклида юртимизда иқтисодиётни эркинлаштириш, ишбилармонлик ҳаракатида кенг йўл очиб, тадбиркорлик фаолиятига тўсиқ бўлаётган муаммоларни бартараф этиш бўйича барча чораларни қўрамиз. Янги кодекснинг қабул қилиниши эса тадбиркорлар, хусусий секторда меҳнат қилаётган ходимлар ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини кучайтиради, тадбиркорликнинг жадал ривожини учун мустаҳкам кафолат бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, давлатимиз раҳбарининг парламентга Мурожаатномасидаги барча фикрлар ва ташаббуслар ягона эзгу мақсад — халқимизнинг турмуш шароитини яхшилаш, мамлакатимизнинг ҳар томонлама тараққиий эттириш, янги, эркин, обод ва фаровон Ўзбекистонни қуришга хизмат қилади.



» Ёшлар келажагимиз

Давлатимизнинг бебаҳо стратегик ресурси ва “олтин фонди”



Қаландар АБДУРАХМОНОВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси академиги

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Биз ислохотларимиз кўлами ва самарасини янада оширишда ҳар томонлама етук, замонавий билим ва ҳунарларни пухта эгаллаган, азму шижоатли, ташаббускор ёшларимизга таянамиз. Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Мирзо Улугбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак”.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ислохотларнинг энг устувор йўналишларидан бирига айланди. Уларнинг замонавий билимларни ўзлаштириши, касб-ҳунар ўрганиши учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилляпти. Бунинг натижасида ёшларимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча жабҳасида фаоллик кўрсатяпти. Масалан, сўнгги уч йил ичида юртимиз ёшлари нуфузли халқаро танлов ва мусобақаларда беш ярим мингта совринли ўринни қўлга киритди.

УЧИНЧИ РЕНЕССАНСГА МУСТАХҚАМ ПОЙДЕВОР

Давлатимиз раҳбари яқинда мамлакатимизда илк бор ўтказилган Ўзбекистон ёшлари форумида: “Биз оила, мактабгача таълим, мактаб ва олий таълимни ҳамда илмий-маданий даргоҳларни бўлғуси Ренессанснинг энг муҳим бўғинлари деб ҳисоблаймиз. Шу сабабли ушбу соҳаларда туб ислохотларни изчил амалга ошироқдамиз”, дея алоҳида таъкидлади. Президентнинг 2020 йил 28 декабрда қабул қилинган “2021–2023 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасининг ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорини ушбу сўзларнинг амалий тасдиғи дейиш мумкин.

Мақсуд муҳим ҳужжат асосида 2021 йилда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришнинг асосий параметрлари ва 2022–2023 йиллар учун мақсадли мўлжаллар тасдиқланди. Унинг аҳамияти ва кўлами нақадар улкан эканини тасаввур қилиш учун қарор ижроси доирасида бунёд этиладиган янги таълим-тарбия масканлари сонини келтириш мақсадга мувофиқдир.

Эътибор қилинг, яқин уч йил давомида республикамизда бўйича 2 минг 970 ўринли 22 та боғча, 13 минг 934 ўқувчиға мўлжалланган 31 та умумтаълим ва ихтисослаштирилган мактаб, 9 минг 300 ўқув ўрниға эға 16 та олий таълим муассасаси янгидан қурилади. Бундай йирик лойиҳаларни, айниқса, жисмоний тарбия ва спорт йўналишида ҳам амалға ошириш белгиланган қувонарлидир. Спорт мажмуалари қуриш ва реконструкция қилиш бўйича 55 та лойиҳа амалға оширилса, шундан 23 таси янгидан барпо қилинади.

Шу билан бирға, 11 та янги маданият ва санъат объекти қурилиб, 7 таси реконструкция қилинса, соғлиқни сақлаш объектиларини қуриш, муқаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича жами 131 та лойиҳа амалға оширилади. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Тараққиёт нуқтаси сифатида баҳоланаётган илм-фан ва инновация объектиларини ривожлантириш бўйича 14 та лойиҳа рўёбға чиқарилади. Тошкент шаҳрида Халқаро молекулари аллергология маркази қурилиб, фойдаланишға топширилади.

Булар фақат биргина ҳужжат доирасида бажариладиган ишлар, холос. Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йилида уларнинг миқёси янада кенгайиши шубҳасиз.

ЖИДДИЙ МУАММОНИНГ ОДДИЙ ЕЧИМИ

Ёшларни севинтираётган ютуқлар билан бирға уларни қийнаётган муаммолар ҳам йўқ эмас, албатта. Ана шунлардан бири бандлик масаласидир. Мактабни тамомалаган, коллеж-ни битирган, ҳатто айрим олий маъlumотли йигит-қизлар ҳам иш топишда қийинчиликка дуч келаётгани сир эмас. Бу масаланинг бир жиҳати. Иккинчи томони, айрим замонавий ишлаб чиқариш субъектлари ўзига керакли мутахассисларни тополмай қийналаётганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди.

Иш берувчиларнинг қайд этишича, масалаға ишлаб чиқарувчилар талабларидан

Президентимиз Олий Мажлисға навбатдаги Мурожаатномасида 2021 йилға мамлакатимизда “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” деб ном беришни таклиф қилгани бежиз эмас. Зеро, ёшлар ҳар қандай давлатнинг бебаҳо стратегик ресурси, таъбир жоиз бўлса, “олтин фонд”идир.



келиб чиқиб ёндашилиши ҳозирги замон талабидир. Айниқса, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда талаб юқори бўлган ўрта бўғин мутахассисларини тайёрлашға жиддий аҳамият бериш вақти келган. Негаки, малакали сантехника ёки электр устаси, пайвандчи, механизатор, қурувчини топиш жуда қийин масалаға айланди. Тадбиркорлар мазкур муаммо илдиизи ўрта бўғин кадрларни тайёрлаш тизимли йўлга қўйилмагани, шунингдек, фан-таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси узулиб қолганида, деб ҳисоблашмоқда.

Айтиш жоизки, бугун ушбу жиддий муаммонинг оддий ечими топилди. Президентимиз кўрсатмаси билан эндиликда ёшлар меҳнат бозорига эҳтиёж юқори бўлган касбларға ҳам ўқитилади. Бу борада эса аллақачон амалий ишларға киришилгани диққатға сазовор. Яъни, бу йилдан Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларида 7–11-синф ўқувчиларига мактабда таълим бериш билан бирға, уларнинг қизиқишдан келиб чиқиб, муайян касб-хунарға ўргатиш тизими жорий этилди. Унинг натижаларига қараб ушбу янгилик республикамизнинг бошқа ҳудудларида ҳам жорий этилади.

ЯРИМ МИЛЛИОН ЁШ БАНДЛИГИ ТАЪМИНЛАНДИ

Ёшлар бандлигини таъминлашда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси тадбирларидан катта самара қутилаётгани сир эмас. Палата томонидан “Хар бир тадбиркор – ёшларға мададкор” тамойили асосида 1 нафар тадбиркорға 1 нафардан ишсиз ёшни бириктириш ташаббуси илгари сурилмоқда. Бу, ўз навбатида, тадбиркорлар томонидан қўллаб-қувватланмоқда. 2021 йилнинг ўзида камида 500 минг нафар ёшға қўшимча иш жойи яратилиши қутилмоқда.

Дарҳақиқат, Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2020 йилнинг 1 декабрь ҳолатига кўра, фермер ва деҳқон хўжаликларини қўшмағанда тадбиркорлик субъектлари сони қарийб 408 мингтаға етган. Шундан 90 минг 161 таси хусусий корхонадир. Эътиборлиси, хусусий корхоналар сони бўйича пойтахтдан кейинги ўринларни меҳнат ресурслари нисбатан юқори бўлган Фарғона, (11 061 та), Қашқадарё (9 200 та), Наманган (7 188 та) вилоятлари банд этди. Бу эса ушбу ҳудудларда ёшлар бандлигини таъминлашда жиддий силжислар бўлишиға катта умид уйғотади.

Президентимиз гоёси асосида ёшлар орзу-умидлари рўёбға хизмат қиладиган яна бир лойиҳа ҳаётға татбиқ қилиняпти. Бу Ёшлар кичик саноат зоналаридир. Иқтидорли йигит-қизларнинг истиқболли ва инновацион лойиҳаларини амалға оширишға яқиндан кўмак берадиган бундай марказлар республикамизнинг барча шаҳар ва туманларида иш бошлайди. Уларнинг ҳар бири зарур инфра-тузилма объектиларига эға бўлади. Хусусан, тижорат банклари ҳам жалб этилиб, уларнинг ҳудудларда фаолият бошлаган “Лойиҳалар фабрика”лари ёшларимизнинг илгор гоёлари асосида лойиҳавий таклиф ва бизнес режаларини тайёрлаб беришади. Лойиҳаларни қулай шарт ва паст фойзаларда молиялаштириш учун эса 100 миллион доллар маблағ ажратилиши мўлжалланмоқда.

ДУАЛ ТИЗИМ ТИЗИМИГА ЎТИЛМОҚДА

Илм-фанны иқтисодиётнинг асосий драйверига айлантириш ва бозор талаблари асосида рақобатбардош кадрлар тайёрлаш шу куннинг долзарб вазифаларидан бири саналади. Мамлакатимиз раҳбарининг таълим

тизимини давлат-хусусий шериклик асосида ривожлантириш гоёси замирида ана шу мақсад ётибди.

Ушбу тамойилни республикамиз олий таълим тизимида биринчи бўлиб Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти амалиётға татбиқ қилмоқда. Бу борада яқин ҳамкор сифатида Бухородаги “BCT Cluster” ва Қўйичирчиқ туманидаги “TCT Cluster” пахта-тўқимачилик кластерлари танланди. Институти ва шу икки кластер ўртасида кадрларни мақсадли тайёрлаш, ўқув-илмий ва маркетинг соҳалари бўйича ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома имзоланди. Шу тариқа томонларнинг давлат-хусусий шериклик асосидаги ҳамкорлигига мустаҳкам замин яратилди.

Кластерда барча иш жараёни “занжирли” усулга асосланган. Эндиликда таълимда ҳам худди шундай тизим йўлга қўйилади. Сабаби, кадрлар тайёрлашда нафақат институти, балки мактаб – коллеж – техникум – олий ўқув юрти уйғунлигини таъминлаш ўта муҳим. Шу мақсадда юртимиз олий ўқув юртларида дуал таълим тизими жорий этилаётгани диққатға сазовор.

Дуал таълим тизимига Германияда асос солинган бўлиб, бугунги кунда у Европа Иттифоқи ҳамда бошқа бир қатор давлатларда ҳам жорий этилган. Унга кўра, Германияда уч ойлик ўқиш, уч ойлик иш тамойили амал қилади. Юртимизда эса мослашувчан таълим тизими танланлиб, ўқишни ишдан ажралмаган ҳолда йўлга қўйиш режалаштириляпти. Бунинг учун махсус ўқув режа ва дастурлар ишлаб чиқилиб, профессор-ўқитувчилар кластер ёки ишлаб чиқариш корхоналарида куннинг биринчи ярмида стажировка ўтайдилар.

Таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини чуқурлаштиришға қаратилган бу каби янги таълим тизимлар пировард натижада назария ва амалиёт уйғунлигини таъминлашға хизмат қилади.

ХАЛҚИМИЗ БОЙ, ДАВЛАТИМИЗ ҚУДРАТЛИ БЎЛАДИ

2021 йилдан бошлаб ўқувчилар ва талабалар ўртасида ўтказилиши белгиланган берилган “Бўлажак олим” танлови, айтиш мумкинки, ёш иқтидор эгаларини саралаш, уларни ихтиролар қилишға рағбатлантирувчи оимлга қўйилади. Негаки, танлов доирасида ёшларнинг энг яхши инновацион ҳамда стартап лойиҳаларига 50 миллиард сўм маблағ йўналтирилиши кўзда тутилган.

Бундан ташқари, келгуси йилда 100 дан зиёд шаҳар ва туманда IT технологияларни чуқур ўргатадиган замонавий ўқув марказлари ташкил этилиши, Тошкент вилоятида Ахборот технологиялари университети филиали очилиши, қолган жойларда эса ушбу йўналишда техникумлар фаолияти йўлга қўйилиши, олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларида энг юқори балл тўплаган 200 нафар ёш учун Президент гранти жорий этилиши, икки ва ундан ортиқ фарзанди шартнома асосида ўқиётган оилаларға имтиёзли таълим кредити бериш тартиби ишлаб чиқилиши — буларнинг бари янги Ренессансға мустаҳкам пойдевор бўлади.

Президентимиз таъбири билан айтганда, илм ва билим — ўтда ёнмайдиган, сувда чўкмайдиган, ҳеч ким тортиб ололмайдиган бойлиқдир. Уни тасаруф этиш эса илм соҳибларининг ўз қўлларида. Бугун ёшлар билим олиши, замонавий технологияларни ўзлаштиришлари учун етарли шароитларни муҳайё қилиш бирламчи вазифаға айланганнинг боиси ҳам шунда. Халқимизни бой, давлатимизни қудратли қилиш бош мақсади-миздир. Бу эса ёш авлод қўлида.

» Муносабат



Гулрух АЪЗАМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

» Ҳар бир давлатнинг барқарор тараққиётини таъминлашда инсон омили, унинг интеллектуал салоҳияти асосий пойдевор бўлади. Шу нуқтаи назардан, мамлакат аҳолисининг катта қисми замонавий билим ва кўникмаларға эға ёшлардан иборат эканлиги мамлакатимизнинг ўзига хос салоҳиятини белгилайди.

Таълимға эътибор — келажакка эътибор

Шу боис, кейинги йилларда юртимизда ёшлар таълим-тарбияси ва камолотиға эътибор кучайди. Ўтган даврда бу борада қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Ёшларнинг интилиш ва иқтидорини қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, раҳбар кадрларнинг бошқарув салоҳиятини юксалтириш бўйича янгила тизим яратилди.

Хусусан, ёшлар ҳаётиға бевосита тааллуқли бўлган жами 40 та қонун ва қонунности ҳужжатлари қабул қилинди. Икки йил муқаддам Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи ташкил қилинди ҳамда 30 июнь санаси мамлакатимизда “Ёшлар куни” деб эълон қилинди. Бундан ташқари, Ўзбекистон амалиётда бутунлай янги тизим, яъни, ёшларнинг турли долзарб муаммоларини ўрганиш билан шуғулланадиган махсус — Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти ташкил этилди. Ушбу муассасанинг Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошида ташкил этилган институтининг илмий-методик ва таҳлилий-тадқиқот фаолиятини замон талаблари асосида шакллантириш учун асос бўлди.

2019 йилда ёшларға эътиборни кучайтириш, уларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортға кенг жалб этиш, уларда ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш, ёшлар ўртасида китобхонлики тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини ошириш масалаларига янги тизим асосида ёндашиш бўйича 5 та муҳим ташаббус илгари сурилди. Қайд этиш кераки, бу каби ишлар ёшлар сёмёсати соҳасида янгила механизмлар сирасига кириб, уларни санъат, мусиқа ва спортға жалб этиш борасида катта тарбиявий аҳамиятға эға.

Маълумки, ўзгаришлар даврида таълим тизими ижтимоий жараёнлардан келиб чиққан ҳолда шиддат билан ривожланишни такозо этади. Таълим орқали жамиятда келажақдаги вазифаларни бажаришға қодир бўлган янги авлод шакллантирилади. Бошланғич таълим инсоннинг етук шахс сифатида шаклланишидаги асосий бўғин ҳисобланиб, унинг сифатиға қараб миллатнинг умумий саводхонлигига баҳо берилади. Бугунги кунда хорижий давлатлар таърибасида миллий таълим тизимининг ривожланиш даражаси мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий тараққиётига бевосита таъсир кўрсатаётганини кўриш мумкин.

Шу маънода, Президентимизнинг Олий Мажлисиға Мурожаатномасида ёшларнинг таълим-тарбияси борасида илгари сурилган

» Дил изҳори

Болалардек қувондик



Флора АЙМАНОВА,
Муйноқ тумани мактабгача таълим бўлими бошлиғи

Президентимизнинг Олий Мажлисиға Мурожаатномасини биз муйноқликлар катта қизиқиш билан кузатди. Сабаби, давлатимиз раҳбари ҳар бир чиқишида, қабул қиладиган фармон ва қарорларида, Қорақалпоғистонға сафарларида Муйноқни, муйноқликларни алоҳида тилға олади.

Мурожаатномада ҳам давлатимиз раҳбари Орол денгизи оқибатларини юмшатишға қаратилган ишлар давом эттирилиши ва бу йўналишда БМТ билан ҳамкорликда тузилган инсон ҳавфсизлигини таъминлаш бўйича кўп томонлама Траст фонди доирасидаги амалий ислохотлар кучайтирилишини таъкидлаб ўтди.

Шунингдек, Мурожаатномада болалар омбуздасини тўғрисида қонун қабул қилиниши, фарзандларимизни қўллаб-қувватлаш фонди ташкил этилиб, бюджетдан 100 миллиард сўм ажратилиши, фонд йил давомида маблағ билан тўлдириб борилиши ҳақидаги гапларни эшитиб, биз катталар ҳам болалардек қувондик.

Юртимизда амалға оширилаётган ислохотлар туфайли барча соҳаларда ривожланишға эришилиб, халқимизнинг фаровон турмуш кечириши таъминланяпти. Жумладан, мактабгача таълим соҳасига ҳам катта аҳамият қаратилмоқда.

Муйноқ туманида 2017 йилда 7 та мактабгача таълим ташкилоти бўлиб, улар 3-7 ёш ораллиғидаги болаларнинг 23 фоизини қамраб олган эди. 2020 йилға келиб, мактабгача таълим муассасалари сони 17 та етди. Бугунги кунда туманимиздаги 2403 нафар 3-7 ёш ораллиғидаги мактабгача ёшдаги боланинг 2348 нафари, яъни 97,7 фоизи боғчаларға қатнамоқда. Муйноқ тумани марказидан олисда бўлган чекка ҳудудларда бир йиллик бепул таълим беришға ихтисослашган мажбурий гуруҳларнинг ташкил этилиши, хусусий шериклик, шунингдек, инвестиция дастурлари асосида янгидан бунёд этилган боғчалар ҳисобидан шундай юқори кўрсаткичға эришилди.

Президентимизнинг 2020 йилнинг октябрь ойи бошида Қорақалпоғистонға ташрифи чоғидаги топириқларидан келиб чиқиб, Муйноқ туманининг иккита овул фуқаролар йиғини худуди ривожланиш жиҳатидан оғир ҳудудлар руҳиятиға киритилди. Хусусан, Мадели овул фуқаролар йиғинида бугунги кунда газ таъминоти тизими деярли йўқ. Бу эса ҳудуддаги “Хадича” нодавлат нотижорат мактабгача таълим ташкилотининг иш фаолияти тўхташиға сабаб бўлмоқда. Яқин кунларда бу масала ижобий ҳал этилишиға ишонамиз. Биз ҳар доим болаларимизнинг соғлом воёға етиши учун бор куч, ғайратимизни амалмайми.



» Янгиланаётган Ўзбекистон



Ҳаким йўлдошев олган суратлар.

**Баҳор ХИДИРОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири**

Айниқса, “Обод кишлоқ”, “Обод маҳалла” дастурлари доирасида ҳудудларда амалга оширилаётган қурилиш ва бунёдкорлик ишлари самараси ўлароқ, юртимизнинг олис туманлари, чекка кишлоқлари ҳам чирой очиб, замонавий қиёфага кирмоқда. Сўнгги 3 йилда “Обод кишлоқ”, “Обод маҳалла” дастурлари доирасида 5 миллионга яқин аҳоли яшайдиган 1 минг 200 та маҳалла ва кишлоқ қиёфаси тубдан ўзгарди. Бунди Сирдарё вилоятининг энг чекка, чегара ҳудудларидан бири бўлган Ховос тумани қиёфасида, ховосликлар ҳаётида рўй берган улкан ўзгаришлар мисолида ҳам яққол кўришимиз мумкин. Кўни кеча бу ерда ўнлаб янги объектни фойдаланишга топширишга бағишланган маросимлар чин маънода халқлар дўстлиги байрамига айланиб кетди.

замонавий марказларни фақат телевизор орқали тараққий этган чет мамлакатларда кўриб ҳавас қилардик. Бундан уч-тўрт йил илгари туманимизда айнан шундай замонавий иншоот қад рост-лайди, деса, тўғриси, ишонмас эдик. Мана, бугун замонавий имкониятлар бизнинг туманимизга етиб келди, эзгу орзу-умидларимиз ушалмоқда. Энг илғор замонавий технологиялар билан жиҳозланган янги марказлар ёшлар ихтиёрига топширилди. Бу марказда тенгдошларимиз билан бирга суҳбатлашиб, фикр алмашиб янги лойиҳалар устида иш олиб бораёмиз. Бу замонавий имкониятлар ёшларнинг ўзига бўлган ишончини, жамиятдаги ислохотларда фаоллигини янада оширади.

Марказ ёнидаги замонавий Давлат хизматлари маркази биносидан эса аҳоли муурожаатлари билан ишлаш, муаммоларини ўрганиш ва ҳал қилиш учун катта имкониятлар яратилди. Бу мажмуада Президентимизнинг Ховос туманидаги Халқ қабулхонаси, Бош вазир қабулхонаси, туман адлия бўлими ва Давлат хизматлари маркази уйғун фаолият юритмоқда.

**ИҚТИСОДИЙ ЛОЙИҲАЛАР –
ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ**

Ховосда қатор иқтисодий лойиҳалар амалга оширилиши билан аҳоли учун янги-янги иш ўринлари яратилмоқда.



**Мурожаатномада
эҳтиёжманд оилалар
фарзандлари, чин
егим, ногиронлиги
бўлган ва даволанишга
муҳтож болаларга
алоҳида меҳр-
муруват кўрсатиш
бўйича янги тизим
жорий этиш борасида
билдирилган
фикрларга уйғун
бўлган бундай
эзгу саъй-ҳаракат
Меҳрибонлик уйининг
10 нафар битирувчиси,
30 нафар ёш, кам
таъминланган 50 та
оила ҳаётига нур олиб
киргани рост.**

КЎҲНА ВА НАВҚИРОН ХОВОСНИНГ СЕҲРЛИ ЖИЛОСИ

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида жамиятимизда миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик муҳитини янада мустаҳкамлашга қаратилган ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш юзасидан белгилаб берилган муҳим мақсадларга ҳамоҳанг бўлган шукуҳли маросимларда ўзбек, қозоқ, қирғиз, тожик, татар, рус, корейс каби турли миллат вакиллари дўсту биродар бўлиб, аҳил-иноқ ҳаёт кечираётгани, Ватанимиз равақига ҳисса қўшаётгани тараннум этилди.

Шу кўни Ховос маданий марказида барпо этилган Аҳиллик хиёбонида кечган илиқ ва дўстона суҳбатларда ҳам бир ҳақиқат бот-бот такрорланди: Ватанимиздаги мана шундай миллатлараро дўстлик муҳити, аҳил қўшничилик сиёсати халқимизнинг янги Ўзбекистонни барпо қилишдек эзгу ғоя атрофида бирлашишга хизмат қилмоқда.

Аҳиллик, ҳамжиҳатлик ҳукм сурган юрtda барака бўлади, бунёдкорлик ва ободлик куч-қудрати амалда ўзини намойён қилади. Ховос шаҳарчасида беш қаватли 30 та уй-жой, 2 сотихли ҳовлига эга 3 хонали 150 та ҳовлидан иборат “Xovos city” турар жой мажмуаси қурилиши янгиланган кўркам ва гўзал шаҳарнинг асоси бўлгани ҳам шундан далолат аслида.

Ховосдаги байрам тадбирлари чоғида вилоятда яшайётган оғир ижтимоий аҳволдаги оилалар, боқувчисини йўқотган аёллар, ногиронлиги бўлган шахслар ва Меҳрибонлик уйи битирувчиларидан бир гуруҳи эндиликда янги барпо этилган ана шундай замонавий уйларида яшайдиган бўлди. Шу кўни уларга хонадонлар қалитлари топширилди.

Мурожаатномада эҳтиёжманд оилалар фарзандлари, чин етим, ногиронлиги бўлган ва даволанишга муҳтож болаларга алоҳида меҳр-муруват кўрсатиш бўйича янги тизим жорий этиш борасида билдирилган фикрларга уйғун бўлган бундай эзгу саъй-ҳаракат Меҳрибонлик уйининг 10 нафар битирувчиси, 30 нафар ёш, кам таъминланган 50 та оила ҳаётига нур олиб киргани рост.

**БИР КЕЛИБ КЕТИНГ,
ХОВОСИМИЗГА!**

— Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида алоҳида таъкидлаб ўтилганидек, бу йилги оғир синов ва машаққатларга қарамай, мамлакатимизда дунёнинг санокли давлатлари қаторида ижобий ўсиш суръатлари сақлаб қолинди, — дейди халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгаши депутаты Покиза Аҳмедова. — Одамларимизни ҳаётдан рози қилиш, уларнинг ҳаёт сифати ва турмуш даражасини янада оширишга қаратилган муҳим ижтимоий-иқтисодий дастурлар амалга оширилди. Ҳудудларимизнинг қиёфасини буткул ўзгартираётган йирик инфратузилмавий лойиҳалар ижроси изчил давом эттирилди. 2020 йил аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида туб бурилиш йили бўлди, дейиш учун барча асосларимиз бор. Бу жиҳатларни Сирдарё вилоятининг энг чекка ҳудудларидан бири бўлган Ховос тумани қиёфасида, ховосликлар ҳаётида рўй берган улкан ўзгаришлар мисолида ҳам яққол кўришимиз мумкин. “Обод кишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари натижасида юзага келган бунёдкорлик ҳаракати кўп миллатли Ховос шаҳарчасини ҳар қандай инсоннинг ҳавасини тортадиган обод манзилга айлантирди. Бундай ободлик ва гўзалликдан руҳланган ховосликлар ўз кечинмаларини “бир келиб кетинг, Ховосимизга!” дея изҳор этмоқда.

**КОВОРКИНГ МАРКАЗ – БИЛИМ
ВА ТАФАККУРГА ЧОРЛАЙДИ**

Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили арафасида ховослик ёшларнинг бизнес ғоялари, инновацион лойиҳалари, ноу-хаулари, стартапларини амалга ошириш учун замонавий коворкинг

рассомлик бўйича билимини бойтади. Унинг синфдоши Шаҳбоз Абдуллаев яратган сайт эса ўқитувчилар ва ўқувчилар учун ҳар қандай фан бўйича онлайн дарслар ташкил қилиш учун яна бир қулай платформадир. Бу ерда ёшлар учун ҳуқуқий, тижорий, психологик маслаҳатлар бериш, бухгалтерия ҳисоботларини юритиш бўйича семи-



марказ барпо қилиниб, ёшлар ихтиёрига топширилди. Марказда “Беш ташаббус”, “Бир миллион дастури” лойиҳаси бўйича мусиқа, рассомлик, китобхонлик, спорт, тикувчилик, дастурчилик тўғараклари ташкил қилинди.

Марказ фаолияти билан танишув чоғида бу жой аллақачон истеъдодлар чархланганидан, билим ва тафаккур масканига айланиб улгурганига гувоҳ бўлдик. Масалан, Ховос туманидаги 9-мактабнинг 11-синф ўқувчиси Ҳилола Холматова ишлаб чиққан дастурий маҳсулот ёшларнинг чизмачилик ва

нарлар ташкил этилмоқда. Марказ ишга тушиши билан ўндан зиёд янги иш ўрни яратилди.

Навоий номидаги давлат стипендияси совриндори, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети магистранти ховослик Ситора Умарова янги коворкинг марказдаги илк таассуротларини ҳаяжон билан сўзлаб берди.

— Бугун шаҳарчамизда рўй бераётган ўзгаришлар барчаимиз ҳаваси ва ҳайратини оширмоқда, — дейди С.Умарова. — Шу чоққача биз бундай

МЧЖнинг қандолатчилиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришга оид 4,7 миллиард сўмлик лойиҳаси амалга оширилган, 22 та янги иш ўрни яратилди. Туман марказида эса бир вақтнинг ўзидан 100 га яқин харидорга бевосита хизмат кўрсатишга мўлжалланган “Экомаркет” фаолияти йўлга қўйилди.

Байрам тадбирлари давомида Сирдарё вилоятида ишлаб чиқарилаётган саноат ва кишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари кўргазмаси ҳам ташкил қилинди. Унда трикотаж, қурилиш, қандолат, кишлоқ ҳўжалиги ва ноозик-овқат маҳсулотлари, мебель жиҳозлари намойиши “Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади” деган эзгу ғоя ҳаётда натижасини бераётганини намойён этди.

**Ховосда қатор иқтисодий
лойиҳалар амалга
оширилиши билан аҳоли
учун янги-янги иш
ўринлари яратилмоқда.
Туман марказида
тикувчилик корхонаси
барпо қилиниши билан
ховослик 250 нафар
хотин-қиз доимий
ишли бўлди. Бу ерда
тайёрланаётган трикотаж
маҳсулотлар Россия
ва Туркияга экспорт
қилинмоқда.**

**ТАРИХ ВА ЗАМОНАВИЙЛИК
УЙГУНЛАШГАН ОБОД ШАҲАРЧА**

Замонавий қиёфага эга бўлган Ховос қадим тарихга эга. Археологларнинг бу ердаги арк ва шахристонда олиб борган кўп йиллик қазималари, илмий изла-нишлари ва тадқиқотлари кўҳна Ховос камида 2500 ёшда эканидан далолат беради. “Обод марказ” лойиҳаси доира-сида Ховос ўлкашунослик музейи барпо қилинган, ЮНЕСКОнинг маданий ёдгор-ликлар рўйхатида киритилган Ховосепа-дан топилган 200 дан зиёд нодир осори-атиқа бир жойда жам бўлди. Янги Ховос тўйига узок-яқиндан келган меҳмонлар экспонатларни кўздан кечиран экан, бунёдкорлик ғоялари ва ободлик ҳаракати бу ерда азал-азалдан мустаҳкам қарор топгани эътироф этилди. Ўтмиш, бугун ва келажакни бирлаштирган мустаҳкам риштаннинг муаззам ифодаси бўлган му-зей ёнидаги мўъжаз Хотира хиёбони эса барчага одамлар ҳамиша бир-бирини асраб-авайлаб, дўсту иноқ бўлиб яшаши лозимлигини, дунёда тинчлик-тотувлик-дан ҳам бебаҳо неъмат йўқлигини яна бир бор эслатиб қўйди.

Ховосдаги байрам тадбирлари кеч-га қадар давом этди. Янгиланган туман марказида қад ростлаган замонавий би-нолар, гўзал хиёбондан одамларнинг қа-дами узилмади. Кеч тушиб, шом пардаси ёйилар экан, ранго-ранг чироқлар ёғдуси-да кўҳна ва боқий Ховоснинг тунги жамо-ли ойдек балқиб турарди. Бу манзаралар эса кўрган кўзни қувнатиб, инсон қалбида-ги умид, интилиш, яратиш ҳиссини янада кучайтириши, юртимиздаги бунёдкорлик, яратувчилик ишларига янада шижоат ва жўшқинлик бахш этиши шубҳасиз.



» Тараққиёт мезонлари

Рақамли иқтисодиёт ривожини солиқ тизимисиз тасаввур этиб бўлмайди

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси Шерзод КУДБИЕВнинг “Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари бош муҳарририга интервьюси



— Тадбиркорлар ёки ташкилотлар ҳисобчи- солиқ органлари ходимларидан ҳадиқсираб юридиган замонлар ҳам орта қолди. Чунки солиқ тизими тубдан ислоҳ қилинди. Бугун солиқчилар тадбиркорнинг яқин кўмакчисига айланган, аҳоли ортиқча солиқ юкидан оғрин- майди. Бу кейинги йилларда солиқ тизимига амалга оширилган ишлар кўндалик ҳаётимиз- да акс этаётганини кўрсатади.

Айтайлик, янги солиқ сиёсати доирасида иш ҳақиға солиқ юки 1,5 баробар камайтирил- ди. ҚҚС ставкаси 20 фоиздан 15 фоизга туши- рилди. Қолаверса, 2020 йилда янги таҳрирдаги Солиқ кодекси кучга кирди. Давлат корхонала- рига ва 500 мингдан зиёд тадбиркорлик субъ- екти ҳамда қарийб 8 миллион фуқарога жами 66 триллион сўмлик солиқ имтиёзлари, кредит муддатларини узайтириш ва молиявий қўл- лаб-қувватлаш бўйича амалий ёрдамлар бе- рилди.

Президентимизнинг Олий Мажлисига Му- рожаатномасида эътироф этилганидек, 2021 йилда “Солиқчи – кўмакчи” тамойили асосида тадбиркорлар учун бизнес ҳамкорининг солиқ қарздорлиги ҳақидаги маълумотларни олиш имконияти яратилади. Шунингдек, 20 мингта тадбиркорнинг 400 миллиард сўмлик ер ва мол-мулк солигини тўлаш муддатини яна бир йилга узайтирилиши мўлжалланяпти.

Энг аввало, тизимда амалга оширилган ишлар самараларини яна қайси жиҳатларда кўришимиз мумкин?

— Бу саволга жавоб бериш асосида солиқ ти- зимида кейинги пайтда амалга оширилган барча ишларни яна бир бор таҳлил қилишга, қўз ўнгимдан ўтказишга тўғри келди, десам муболага бўлмайди. Қолаверса, келтирилган рақамлар замирида эзгу мақсад-моҳият, кенг қўламли таҳлил ва ҳар кунлик захматини залвори ҳам намоён бўлиб турибди. Уларга қўшимча равишда янги таҳрирдаги Солиқ ко- декси нормалари асосида Давлат солиқ қўмитаси то- монидан ҳисоботлар шаклларини соддалаштириш, солиқ назорати механизмларини автоматлашти- ришни назарда тутувчи 32 та норматив-ҳуқуқий ҳуж- жат ишлаб чиқилганини айтиш мумкин.

Энг аввало, 2020 йил 1 январдан бошлаб барча тадбиркорлик субъектлари учун электрон ҳисобва- рақ-фактуралар ЭҲҒ тизими жорий этилгани ҳи- соботларни тез ва осон тавор этиш имкониятини яратди. ЭҲҒни шакллантириш ва уни ҳатто энг узоқ ҳамкорларга юбориш учун бир неча дақиқа етарли бўлиб қолди. Бу қўғоз шаклдаги ҳисобварақ-фак- тураларга сарфланадиган моддий ва инсон ресур- сларини сезиларли даражада тежашга олиб келди.

Таққос учун бир мисол. Илгари бир дон ҳисоб- варақ-фактурани расмийлаштириш учун қўғоз сар- фи, манзилга етказиш ва олиб келиш вақти ва йўл ҳақиға 7 минг сўмдан ортиқ харажат қилишга тўғри келган.

Электрон ҳисобварақ-фактурада-чи? Бу тизимда инсон омили иштироки имкон қадар минималлашти- рилган. Уни электрон шаклда расмийлаштириш орқали бир ойда 10 мингта ҳисобварақ-фактура шакллантирадиган корхоналар ўрта ҳисобда 67,5 миллион сўм иқтисод қилишга эришяпти.

Яна бир жиҳат, кичик бизнес субъектлари ва тад- биркорлар учун онлайн назорат-келиш техникасини олиш, ўрнатилиш, ишга туширишга кетган харажатлар суммасига солиқ тўлови камайиши белгиланган. Бу- гунги кунда 2 784 та тадбиркорлик субъекти ушбу имтиёздан умумий қийматда 5,3 миллиард сўм миқ- доридан фойдаланган.

Онлайн назорат-касса техникаси қўлланилишини оммалаштириш учун Давлат солиқ қўмитаси томо- нидан юзгунчи чек ўйинларининг 6 та тиражи ўтқа- зилди, улар доирасида турли хил қийматбаҳо сова- лар шу жумладан, асосий соврин — 6 та” Chevrolet Nexia 3 автомобили ўйналди.

Солиқ инспекторлари фаолиятини автомат- лаштириш орқали солиқ тушумларининг ўз вақтида тўланишини таъминлаш мақсадида “Солиқларни автоматлаштирилган йиғиш тизими” — САЙТ ишга туширилди ва 1959 та махсус тўлов терминали би- риктирилиб, 755,8 миллиард сўм мол-мулк ҳамда ер солиғи йиғилди.

Аҳолини тадбиркорлик фаолиятига янада кенг жалб қилиш ва қўнуний меҳнат фаолиятини амал- га ошириш учун қўшимча шарт-шароитларни яра- тиш мақсадида Президентимизнинг 2020 йил 8 июндаги “Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солиш- ни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан янги тартиблар жорий этилди. Мазкур фаолият (хизматлар, ишлар) турлари 24 тадан 67

тага етказилгани ҳолда, ижтимоий солиқни базавий ҳисоблаш миқдорининг камида 50 фоизи ҳажмида тўлайдиган бўлинди. Бугунги кунда мамлакатимиз бўйича 554,7 мингдан ортиқ ўзини ўзи банд қилган шахслар рўйхатга олинган.

2020 йил 30 октябрда давлатимиз раҳбарининг “Яширин иқтисодиётни қисқартириш ва солиқ ҳо- ра-тадбирлар тўғрисида”ги фармони имзоланди. Ҳужжатга биноан, солиқ органларини юқори технологияли сервис хизмати кўрсатишга ўзгартириш асосида Давлат солиқ қўмитасининг ва- зифа ва функцияларини кенгайтириш, бизнес жара- ёнларни реинжиниринг қилиш ҳамда автоматлашти- риш асосида солиқ органлари ходимлари сонини 10 фоизга (1098 нафар ходим) мақбуллаштириш, янги бўлинмалар ташкил этилиши муносабати билан солиқ хизмати органларининг аниқланган тузилма- сини тасдиқлаш каби устувор вазифалар белгилаб берилди.

— Пандемия шароитида корхоналарнинг анчагина қисми маълум муддат ишламай турди, даромад камайди. Бундай вазиятда иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш, инқирозга йўл очмаслик учун кичик бизнес ва тадбиркорликка имтиёзли шароит яратиш муҳим. Бинобарин, 2020 йил Давлат дастурида белгиланганидек, 1 июлдан бошлаб илк маротаба тадбиркорларга ҚҚСнинг бир қисmini қайтариш механизми амалга киритилди. Шу жиҳатдан, Президентимиз ташаббуси билан жорий этилган “Солиқчи – кўмакчи” тизими кичик бизнес ва ишбилармонликни қўллаб- қувватлаш, рағбатлантиришда қандай аҳамият касб этапти?

— Бу тизимнинг моҳияти шундан иборатки, биз энди иш бошлаётган тадбиркорга биринчи қада- ми- дан, унга қайси солиқ режими қўлай ва фойдали эканини тушунириб, тўғри йўлдан боришга ша- роит яратиб беришимиз зарур. Ундан кейин эса, бизнес субъектининг “яшаб кетиши”, фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлганларининг қайта тиклани- шга кўмаклашиш, бухгалтерия ҳисобини юритиш, ҳисоботларини тўлдиритиш ва топшириш, ҳуллас, нима муаммоси бўлса ҳал этиш бўйича хизмат кўрсатишга асосий эътибор қаратилади. Шу боис, бизнинг фаолиятимиз аввалгидек, қанча солиқ қў- нунчилигини бузиш аниқладан ва қўшимча солиқ ҳисоббанди, деб тадбиркорни жазолашга эмас, ак- синча, эндиликда солиқ қўнунчилиги бузилиши не- чоғлик камайиши ва тадбиркорларни ортиқча ҳа- ражатлардан сақлаб қоллишга қанча ҳисса қўшилганига қараб белгиланадиган бўлди.

Шундан келиб чиққан ҳолда, янги иш бошлаган тадбиркорларга оёққа туриб олиши учун дастлабки 6 ойда бухгалтерияни юритиб бериш, ҳисоботлари- ни тўлдиритиш, солиқ имтиёзларидан фойдаланишда солиқ идоралари кўмакдош бўляпти.

Президентимизнинг Олий Мажлисига Му- рожаатномасида 2021 йилда “Солиқчи – кўмакчи” тамойили асосида тадбиркорларга бизнес ҳамкорининг солиқ қарздорлиги ҳақидаги маълумотларни олиш им- кониятини яратиш вазифаси оқлатилди. Бу вазифа баҳарчи, биринчи навбатда, мавжуд автомаши- нлар тизимларини янада мукаммаллаштиришни тақозо этади. Айни куннинг ўзида мутахассисла- римиз бу борадаги ишларни бошлаб юборди.

Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш борасида қў- шилган қиймат солиғидан ҳосил бўлган салбий фарқ суммасини тадбиркорлик субъектларига қайтариб бериш асосий йўналишлардан бири бўлиб ҳисобла- нади.

Солиқ кодексида асосан, 2020 йил 1 июлдан бошлаб қўшилган қиймат солиғидан ҳосил бўлган салбий фарқ суммаси тадбиркорларга қайтариб бериш асосида амалиётга жорий этилди. Бунинг учун солиқ тўловчининг шахсий кабинетни орқали солиқ ор- ганига белгиланган шаклдаги ариза билан мурожаат қилиш кифоа. Тадбиркорга солиқ органининг қаро- ри асосида солиқ суммасини қайтариш тўғрисидаги ариза тушган санадан эътиборан олтимш кундан, айрим тадбиркорларга эса етти кундан кечиктириш қайтарилиши лозим.

Солиқ суммасини тезлаштирилган тарзда қо- лаш тартибидан эса, йирик солиқ тўловчилар то- ифасига киритилган юридик шахслардан тортиб, экспорт ва унга тенглаштирилган операцияларни амалга оширадиган шахслар, ноль даражали став- ка қўлланилиши назарда тутилган махсуслот тақси- мотиға оид битим иштирокчилари манфаат кўриб келяпти. Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, солиқ тўловчиларга 2020 йилда 8,6 триллион сўм, шу жумладан, 1 июлдан кейин 5,7 триллион сўм пул маблағлари қайтариб берилди.

Мурожаатномада таъкидланганидек, бундан 4 йил олдин тадбиркорлик субъектларида текшириш- лар ўтказишга мораторий эълон қилинган эди. Бу- нинг натижасида ўтган даврда тадбиркорлар сони 2 баробар қўнаиб, 400 мингтага етди. Президенти- миз шундан келиб чиққан ҳолда, мораторий муда- тини яна бир йилга узайтиришни тақлиф этди.

— Дунёда ҳамон “яширин иқтисодиёт” яшаб келмоқда. Жумладан, мамлакатимизда ҳам. Бундан буткул қутулиш мумкинми? Бу борада солиқ тизимида қандай ишлар олиб бориляпти?

— Экспертларнинг баҳолашлари ва тадбиркор- лик субъектлари ўртасида ўтказилаётган сўровлар натижасида дунё мамлакатларида “яширин иқти- содиёт”нинг ўртача миқдори 17,2 фоизни, Ўзбеки- тонда эса 48 фоизни ташкил этиши таъкидланмоқда.



Иқтисодиётда “яширин иқтисодиёт” улушини кескин қисқартириш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Жаҳон банки, Халқаро ва- люта жағмараси ва бошқа халқаро ташкилотлар экспертларини жалб қилган ҳолда, энг муваффақи- ятли хорижий тажриба асосида яширин иқтисоди- ётни яқин 5 йилда 2 баробарга қисқартириш бўйича давлатимиз раҳбари томонидан топшириқлар бе- рилган.

Жумладан, алкоголь, тамаки, дори воситалари, автомобилларга бензин, дизель ёқилғиси ва газ сав- доси билан шуғулланувчи ҳўжалик юритувчи субъ- ектлар бугунги кунга қадар жами 20 минг 240 та он- лайн назорат касса машинаси ёки виртуал кассадан фойдаланишга ўтказилди. Товар айланмаси 5 ми- лиард сўмдан ошган 3 816 та ҳамда 100 миллион сўмдан ошган 68 минг 401 та тадбиркорлик субъекти ҳам ушбу тизимдан фойдаланяпти.

Алкоголь махсуслотлари учун синов тарикасида маркировкаланган ёрлиқлар ишлаб чиқилди, мар- кировкалаш ахборот тизимининг таркибий қисмлари ўрнатилди ҳамда маълумотларни қайта ишлаш мар- кази фаолияти йўлга қўйилди. Вазирлар Маҳкамаси- нинг 2020 йил 20 ноябрдаги қарорига асосан, тамаки ва алкоголь махсуслотларини 2021 йил 1 январдан идентификация воситалари билан мажбурий рақам- ли маркировкалаш белгиланди. Кейинги босқичда дори воситалари ва тиббий бўюмлар, сув ва салқин ичимликлар ҳамда маиший техникалар рақамли маркировкалаш талаби жорий қилинадиган махсу- лотлар рўйхатига киритилди.

Бундан ташқари “бир кўнлик” фирмалар фао- лиятини чеклаш мақсадида тадбиркорлик субъект- ларининг қўшилиши ёки юридик манзилини ўзгар- тириш бўйича 2020 йил 2 декабрдаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тегишли нормалар киритилди.

2021 йилда Ҳукумат томонидан бозорда тенг рақобат муҳитини яратиш ва ҳалол-поқ, замона- вий технологиялар асосида ишлаётган виждонли тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида “яширин иқтисодиёт”ни қисқартиришга қаратилган механизмлар жорий этилиши кўзда ту- тилади.

Халқаро экспертлар таъкидлашича, “яширин иқтисодиёт”дан буткул қутулиш имкони мавжуд эмас, балки унинг иқтисодиётдаги улушини қисқар- тириш ва паст даражада ушлаб туриш мумкин. Бу борада фақат солиқ органлари эмас, балки солиқ тўловчилар ва кенг жамоатчилик ҳам мурасасиз назоратни ўрнатиш лозим. Ахир қарс икки қўлдан чиқади.

Мурожаатномада масаланин айнан шу жиҳати- га ҳам алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмас. Жумладан, “Бу иллатга қарши курашишга барча давлат органлари, сиёсий партиялар, жамоат таш- килотлари, оммавий ахборот воситалари, умуман, ҳар бир фуқаро сафарбар этилиши зарур.

Коррупция ўта оғир жиноят экани ва унга нисба- тан мурасасиз бўлиш госясини фарзандларимизга ёшлик давриддан бошлаб сингдиришимиз, уларга фақат ҳалол меҳнат ва тадбиркорлик орқали даро- мад топишни ўргатишимиз лозим” , деди давлати- миз раҳбари.

— Маълумки, рақамли технологиялар нафақат махсуслот ва хизматлар сифатини оширади, ортиқча харажатларни камайтиради. Шу билан бирга коррупцияни йўқотишда ҳам самарали восита ҳисобланади. Давлат солиқ қўмитаси тизимида рақамли иқтисодиёт қай даражада жорий этилган? Бу инфратузилма солиқ тўловчилар учун қандай манфаат келтиряпти?

— Бугунги давр талаби қатъий: тараққиёти ва ис- тикболи учун қайғурган ҳар бир мамлакат, аввало, миллий иқтисодиётига янги инновацияларни жорий қилиши, хусусан, рақамли иқтисодиётни ривожлан- тириши зарур. Бугунги кунда солиқ маъмуриятчили- га IT технологияларини таътиб этиш ҳисобиға со- лиқ тўловчиларга кўрсатилаётган хизматлар сифати ва қўламини оширишга, тадбиркорларга енгилли- қлар яратишга катта эътибор қаратилмоқда. Мисол учун, солиқ тўловчилар билан ахборот-коммуника- ция технологиялари воситасида мулоқотни йўлга қўйиш мақсадида давлат солиқ хизмати органлари тақдим этаётган электрон давлат хизматлари сони 45 тага етказилди. 2020 йил давомида солиқ тўлов- чилар ушбу хизматлардан 700 миллион маротаба- дан ортиқ фойдаланди.

Солиқ хизмати инсофли солиқ тўловчиларнинг ишончли ҳамкори бўлиши учун, аввало, солиқ маъ- муриятчилигининг янги усулларини жорий қилиши, хусусан, рақамли технологияларни ривожлантири- ши шарт. Биз даврининг ана шу қатъий талабига мос таразда аниқ мақсадлар билан дадил ҳаракатланяп- миз. Негаки, рақамли иқтисодиёт ривожини солиқ тизими иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Масалан, my.soliq.uz — электрон солиқ хизматла- ри портали орқали солиқларни мустақил равишда ҳисоблаб чиқаришдан тортиб, ҳисобот ва солиқ дек- ларациялари, мурожаатларни юбориш имконияти- гача бор.

Рақамли технологияларнинг имкониятларидан янада унумли фойдланиш мақсадида порталдаги барча интерактив хизматлар “SOLIQ” мобил ило- васида ҳам жамланган. 2020 йилда солиқ тўлаш- дан бўйин товлаш, ҳақиқий даромадни яшириш, савдо-сотик қондаларига риоя этмаслик, хусусан, нархларнинг сунъий равишда оширилиши каби салбий ҳолатлар ҳақида мобил илованинг “Soliq hatkor” тизими орқали солиқ органларини хабардор қилиш мақсади ишга туширилди. Унинг ёрдамида 67 та фаолият тури бўйича ўзини ўзи банд қилиш шахс сифатида рўйхатдан ўтиш тартиби йўлга қўйилди.

Мазкур тизим реал вақт режимида қандай мах- суслот харид қилингани ёки сотилганини кўриш, ҚҚС бўйича хатоплиқларни аниқлаш жараёнини автомат- лаштириш ва ҚҚС ҳисобга олишда асосий ёндашув- ларга барҳам бериш учун шароит яратмоқда. Савдо операциялари бўйича барча маълумотлар давлат солиқ хизмати органларига онлайн режимида келиб тушапти. Бу бизнес ва бевосита солиқ органлари фаолиятида очиклик ва шаффофлиқни оширишга хизмат қилмоқда.

Онлайн назорат-касса машиналари ва вирту- ал касса тизимидан қўзланган асосий мақсад ҳам рақамли иқтисодиётни ривожлантиришга қаратил- ган.

Яқинда тадбиркорлик субъектлари ўртасида тузилган шартномаларни Ягона электрон шартно- малар ахборот тизимида рўйхатдан ўтказиш йўлга қўйилди. Мақсадимиз — ҳўжалик юритувчи субъект ва контрагент ўртасидаги махсуслотлар реализация- си учун очик ва шаффоф ягона платформа яратиш. Бундан ташқари, махсуслотларни мажбурий мар- кировкалаш лойиҳасини ҳам йўлга қўйдик. Яқин вақт- ларда “Asl belgisi” махсуслотларни маркировкалаш ва қузатиб бориш миллий ахборот тизимини жорий қиламиз. Шу муносабат билан “Asl belgisi” номли мо- бил илова ишлаб чиқилмоқда.

Яна бир янги лойиҳа — ҳўжалик юритувчи субъ- ектлар ўртасида электрон маълумотлар билан ти- зимлаштирилган ва мувофиқлаштирилган алмаши- нувни таъминлаш учун республикада сотиладиган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) Ягона электрон классификатори. Унга қўра, тадбиркорлик субъектлари tasnif.soliq.uz сайти орқали махсуслот- лар ва хизматларнинг идентификация кодларини (МХИК) қидириш ҳамда уларни электрон ҳисобва- рақ-фактураларда, онлайн-НҚМ ва виртуал касса чекларида акс эттириш хизматида фойдалана ола- ди.

Албатта, олдимизда турган вазифалар кўп, аммо мақсадимиз аниқ: миллий иқтисодиётга замонавий ахборот технологияларини фаол таътиб этиш бо- расида бошлаган ишларимизни янги, замонавий босқичга қўтариш. Ишонаманки, буларнинг барчаси Ўзбекистонимизнинг рақамли келажагини яратиш учун муҳим ҳисса қўшади.

— Президентимизнинг 2020 йил 7 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорига асосан тизим фаолияти янада кенгайди. Мазкур бирлашувдан кейин солиқ “БТИ”да ўзгаришлар рўй бераётгани эътироф этилмоқда. Бу ўзгаришлар қайси йўналишларда амалий ифодасини кўрсата бошлади?

— Дарҳақиқат, Давлат солиқ қўмитаси ҳузурида ташкил этилган Кадастр агентлиги фаолиятида ижо- бий ўзгаришлар кузатилмоқда. Мисол учун, аввал ер ажратиш, уларнинг ҳисобини юритиш, қишлоқ ҳўжалиги эканлигини жоийлаштириш, ер назорати- ни амалга ошириш вазифаларининг ягона орданда тўплангани, ер участкалари, бино ва иншоотларга кадастр йиғмажилидини рўйхатдан ўтказуви шу ор- ганнинг ўзи томонидан тайёрланиши тизимда ман-

фаатлар тўқнашувини келтириб чиқарган эди. Солиқ қўмитаси тизимида Кадастр агентлиги ташкил этилиб, қўчмас мулкни давлат рўйхатидан ўтказиш, геодезия ва картография, давлат кадастр- ларини юритиш соҳасидаги вазифалар унинг фао- лият йўналиши этиб белгиланди.

Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, соҳага за- монавий инновациялар ечимларни киритиш, яъни, 2021 йилнинг 1 январидан бошлаб ер тури, контури, чегараси ва ҳўқуқ эгалари ҳақидаги барча маълумот- лар агентлиқнинг онлайн геопорталига киритилади. Шунингдек, ер баланси ҳамда унинг ҳисоботи, солиқ БТИ тизимида қўғоз шаклида ва қўлда тўлдирилиб келинган Ер кадастри дафтери эндиликда Миллий геоахборот тизимида юритилади. Бундан ташқари, солиқ ва кадастр органлари ўртасида ягона ахборот тизимини жорий этиш ҳисобиға солиқ ва қўчмас мулк маълумотлари базалари ягона бўлади, агент- лик негизда ташкил этилган Кадастр палатаси рес- публика даражасида давлат рўйхатидан ўтказиш ягона сиёсатини юритади. Қолаверса, қўчмас мулк- ларга кадастр йиғмажилиларини тайёрлаш ишлари босқичма-босқич давлат органларидан олиниб, ҳу- сусий секторга ўтказилади.

— Солиқ хизмати ходимлари дунёқарашини тубдан ўзгартириш ва малакали кадрларни тайёрлаш мақсадида Давлат солиқ қўмитаси қошда Фискал институт ташкил этилмоқда. Умуман олганда, малакали кадрларни тайёрлашнинг яна қандай йўналишларига асосий эътибор қаратилади?

— Мамлакатимиз миқёсида солиқ тизимига кадрлар тайёрлаш масаласини оладиган бўлсак, ижтимоий-иқтисодий турмушнинг деярли барча йи- рик жаҳаларида ҳар бир соҳа ўз тармок ва таянч олий ўқув юртига эга. Лекин бизнинг тизимимизда ҳозирги кунга қадар бундай таянч олий муассаса йўқ эди. Шу нуқтаи назардан, Президентимизнинг 2020 йил 4 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Фискал институ- ти ташкил этиш тўғрисида”ги қарори ушбу бушлиқ- ни тўлдирish мақсадини ҳам қўзда тутади, дейиши- миз мумкин.

Давлат солиқ қўмитаси ҳузурида 2018 йилдан бўён фаолият олиб бораётган Малака ошириш маркази негизида ташкил этилган Фискал институт соҳага мутахассис кадрлар етказиб бериш билан бир қаторда, эндиликда малака ошириш фаолият- ини ҳам ўз зиммасига олади.

Россия Федерацияси Ҳўкумати ҳузуридаги Мо- лия университети ва Фискал институт ўртасидаги ҳамкорлик доирасида мазкур университетнинг бў- линмасини (факультетини) ташкил этишга қарор қилинди. Эндиликда дарс жараёнлариға ҳамкор университетдан етакчи мутахассислар жалб эти- лиши баробарида, институт педагог ходимлари Россия Федерацияси Ҳўкумати ҳузуридаги Молия университетида стажировка ўташ ва малака оши- риш, ҳамкорлик асосида Россияда таълим бериш имконига ҳам эга бўлади.

Бундан ташқари, ўзаро талабалар ҳам алма- шилади, яъни ўзбекистонлик талабалар Россияда, россиялик талабалар эса Ўзбекистонда таҳсил олади. Ўзбекистонлик абитуриентларнинг Россия Федерацияси Ҳўкумати ҳузуридаги Молия универ- ситетига бевосита қабули ҳам йўлга қўйилди.

Янги ташкил топган Фискал институт молиявий жиҳатдан тўлиқ ўзини-ўзи таъминлаб, ҳўжалик ҳи- собида фаолият олиб боради. Умуман олганда, олий таълимни давлат томонидан молиялашти- ришдан воз кечишининг вақти аллақачон келган, дейиш мумкин. Шунда чинакам рақобат муҳити юзага келади, диплом карьера учун трамплин ва- зифасини ўташиға бўлган умидлар ўтмишга ай- ланади. Жамиятда чинакам мутахассис кадрлар бозори вужудга келади, олий маълумот олишга фақат билими ва иқтидори борлар интилади, шун- да қабул жараёниға давлатнинг аралашувиға ҳам эътиёж қолмайди.

Ана шундай рақобат шароитида ОТМлар бу- юртмағича мослашиб, ўқув-режа ва дастурларга ижобий ёндашадиган, таълим сифатини ошириш- дан бевосита манфаатдор бўладиган муҳит юзага келади. Шунда олий таълим муассасалари маҳал- ли ва халқаро матбуотда маблаг эвазига ўзини реклама қилдириб, абитуриентларни ўқилиш, му- тахассисларни ишга тақлиф қила бошлайди, бу эса чинакам тараққиётга муҳим туртки вазифасини ўтайди.

Бир сўз билан айтганда, янги ташкил этилган Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Фискал инсти- тут ана шу йўлда келажақ сари қўйилган хайрли қадамлардан бири бўлгани яқин йилларда ўзини намоён этиши ва исботлашиға катта умид боғлаш учун етарли асослар мавжуд.

Салом ДОНИЁРОВ сўхбатлашди.



» Эътироф

Ўзбекистон Президенти томонидан илгари сурилган ташаббуслар яқин келажакда ўз самарасини беради

Халқаро сиёсатшунослар, экспертлар ва дипломатик корпус вакиллари Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси истиқболдаги амалий ишлар учун муҳим дастуриламал бўлганини таъкидламоқда.



Леонид МАРИНИЧ,
Беларусь элчиси:

— Мурожаатнома тақдиротида Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус вакиллари давлат етакчисида мамлакат иқтисодиёти ва ижтимоий соҳадаги вазият, ислохотлар натижалари, шунингдек, амалга оширилаётган кенг қўламли ўзгаришлар тўғрисида батафсил маълумот эшитди.

Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришга, шу жумладан, Беларусь-Ўзбекистон савдо-иқтисодий ҳамкорлигини янги bosқичга олиб чиқиш истиқболларига катта аҳамият берган ҳолда ички ва

жаҳон бозорларида талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга иxtисослашган янги корхоналар бунёд этиш, кенг қўламли инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш бўйича режаларни қўллаб-қувватлайман.

Яқин келажакда республика раҳбари томонидан солиққа тортишни оптималлаштириш, хусусийлаштириш, давлат харидлари бозорини либераллаштириш ва тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича илгари сурилган ташаббуслар ўз самарасини беришига ишончим комил.

Ўзбекистон Президенти қишлоқ хўжалиги самарадорлигини оширишга камбағалликни камайтириш ва қишлоқ аҳолиси даромадларини кўпайтиришнинг асосий манбаси сифатида алоҳида эътибор қаратгани жуда муҳим. Бу ташаббус Беларусь етакчиси Александр Лукашенко томонидан ағросанот мажмуаси олдига қўйилган вазифалар билан ҳамохандир. Беларусь жорий йилда эришган 5,7 миллиард доллар қийматидаги озик-овқат маҳсулотлари экспорти бунинг яққол тасдиғидир.

Давлат раҳбари Ўзбекистон иқтисодиёти манфаатдор бўлган интеграция жараёнлари мавзусига катта эътибор қаратди.

Беларусь энг йирик минтақавий интеграция ташкилотларидан бири — Евроосиё иқтисодий иттифоқи (ЕОИИ) аъзоси ҳисобланади. Шу муносабат билан Ўзбекистоннинг ушбу тузилмада қўзғатувчи мақоми олганини олқишлаймиз ва мамлакат билан янада яқин иқтисодий ҳамкорлик қилишга тайёرمىз.

Албатта, Мурожаатномада айтилган асосий тезислардан бири, фикримча, билимли, меҳнатсевар ва ватанпарвар ёшларга замонавий жамиятнинг асоси сифатидаги муносабат бўлди. Ўзбекистон халқи Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2021 йилни “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” деб эълон қилиш тўғрисидаги ташаббусини тўлиқ қўллашга ишончим комил.

Фурсатдан фойдаланиб, Янги йил муносабати билан меҳмондўст Ўзбекистон аҳолисига сўхат-саломатлик, бахт-саодат, гўзал мамлакатингизга тинчлик ва фаровонлик тилайман.



Франсуа БЕЖО,
Европа Иттифоқининг
Ўзбекистондаги
муваққат ишлар вакили:

— Ўзбекистон Президентининг Мурожаатномаси мамлакат тараққиётининг келгуси йилдаги долзарб йўналишлари ва истиқболларини қамраб олган жуда муҳим ҳужжат бўлди. Унинг дастурий бандларидан бири ёшлар ва уларнинг таълим олиши, меҳнат бозорига интеграциялашувига оиддир. Шунингдек, Мурожаатномада соғлиқни сақлаш сизимини янада ривожлантириш, мазкур соҳа билан самарали

ишлайдиган, айниқса, қишлоқ жойларда, инфратузилмани яратиш зарурлиги ҳақида сўз юритилди.

Шу билан бирга, мен учун коррупцияга қарши курашиш ҳақидаги фикр-мулоҳазалар ва тақлифлар билан танишиш жуда қизиқарли бўлди. Биз ўта долзарб бўлган ушбу муаммага қарши курашда Ўзбекистонга ёрдам берамиз, чунки ушбу вазифани кун тартибидagi устувор масалалардан бири сифатида кўрамиз.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Президенти давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш зарурлигига эътибор қаратди. Чунки кўп нарса ушбу тизимнинг қандай ишлаши билан боғлиқ. Мен катта ўзгаришларни амалга ошириш осон эмаслигини яхши англайман, аммо бундай саъй-ҳаракатларни жуда муҳим ҳисоблайман. Хусусан, тренинглари ўтказиш, масъулият ва ривожланиш майдонини кенгайтириш зарур. Шунингдек, ходимлар меҳнат сизимини янада ривожлантириш, марадорлигини ошириш учун уларга дам олиш ва кучни қайта

тиклаш учун етарлича шароитлар яратиш ҳам муҳим аҳамиятга эга эканини унутмаслик керак. Ишончим комилки, бу давлат хизматчилари меҳнат унумдорлигини оширади.

Умуман олганда, Ўзбекистон Президентининг нутқи ниҳоятда сермажун ва бой бўлди. Мен энг муҳим фикрларга тўхталишга ҳаракат қилдим.

Хулоса қилиб айтмоқчиманки, биз ҳозир Ўзбекистон билан 2021-2027 йилларга мўлжалланган янги дастур устида ишлаяпмиз. 2014-2020 йилларни қамраб олган аввалги ҳужжат мuddати тугамоқда. Таъкидлаш керакки, биз бу ишда муваффақиятга эришяпмиз. Бу биз учун келажакка ишонч ва куч бағишламоқда. Бундан буён ҳам Ўзбекистонни қўллаб-қувватлашга тайёرمىз.

Мамлакатингизни жуда яхши кўраман. Бу заминда меҳрибон ва меҳмондўст инсонлар яшайди. Мен ҳам Ўзбекистонда яшаётганимдан жуда мамнунман. Барча ўзбекистонликларга самимий тилакларим бор. Биз биргамиз! Янги йил муборақ!

Кэтрин Рейчел Коттрелл,
Буюк Британия
элчихонаси биринчи
котиби:

— Бугунги мураккаб шароитларга қарамай, Ўзбекистон Президенти ўз Мурожаатномасида келгуси йил учун иқтисодиётдан инсон ҳуқуқларига қадар барча жабҳаларда ислохотларни амалга ошириш бўйича қатъиятли ва кенг қамровли вазифаларни белгиледи.

Давлат раҳбари ёшлар масалаларига алоҳида эътибор қаратди. Барчани мактабгача ёшдан тортиб тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга қадар қамраб оладиган таълим тизимини ривожлантириш зарурлигини таъкидлади.

Бюрократияни камайтириш ва ошқораликни ошириш Ўзбекистонни Британия бизнеси учун янада жозибали шерикка айлантиради.

Ишонч билан айта оламankи, биз Ўзбекистон Президенти таъкидлаган таълим, инновация ва молия каби соҳаларда икки томонлама ҳамкорликни кенгайтиришимиз мумкин. Келгуси йил бўлиб ўтадиган Ўзбекистон — Буюк Британия савдо ва саноат кенгашининг навбатдаги йилги йилнинг интизорлик билан кутиб қоламиз.

“Дунё” АА

» Халқаро ҳамкорлик

Сармоявий лойиҳаларни мамлакатимиз иқтисодиётига йўналтириш

янги иш ўринлари яратиш ва экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилади

Виталий ФЕН,
Ўзбекистоннинг Корея
Республикасидаги
Фавқулодда ва мухтор
элчиси



Ушбу жараёнга хориждаги ватандошларимизни ҳам жалб этиш муҳим ўрин тутди. Шу боис, уларнинг Ўзбекистонда ўз бизнес фаолиятини ташкил этиш учун қўлай шароит яратиш, ишлаб чиқариш қувватларини йўлга қўйиш, экспорт-боп маҳсулотлар тайёрлашда кенг имкониятлар тақдим этиш ва давлат томонидан қўллаб-қувватланишга доир чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари раислигида хорижда меҳнат қилаётган фуқароларимизга муносиб шарт-шароитлар яратиш ва улар билан тизимли ишлаш чора-тадбирларига бағишлаб 2020 йил 17 август кунини ўтказилган видеоселектор йиғилишида республикамиздаги мутаассадди идоралар, ҳокимликлар ва хориждаги дипломатик ваколатхоналарга дунёнинг қўллаб-қувватланишдаги юртдошларимиз, хусусан, меҳнат муҳожирларининг аниқ базасини яратиш, уларнинг муаммоларини аниқлаш ва ҳал қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш вазифаси юклатилди.

Президентимиз яна бир муҳим йўналиш — “олтин дафтар” жорий этишни тақлиф қилди. Ягона маълумотлар базасини яратиш, унга чет элда меҳнат қилаётган ватандошларимиз — потенциал сармоядорлар, нуфузли хорижий университетлар ўқитувчи-профессорлари ва халқаро ташкилотлар ходимлари киритилиши лозимлиги қайд этилди.

Бу билан хориж бозорларида муваффақиятли фаолият юритаётган тадбиркор юртдошларимиз, етакчи олий билим юртиларида самарали меҳнат қилаётган профессор ва ўқитувчилар, халқаро ташкилотларда ишлаётган етук мутахассислар, шунингдек, оддий фуқароларимизнинг мамлакатимиз тараққиётига ўз ҳиссасини қўшиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 15 сентябрдаги “Хавфсиз, тартибли ва қўнғун меҳнат миграцияси тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ушбу йўналишда амалга оширилиши лозим бўлган ишларнинг ўта долзарблигини



Сўнгги йилларда Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан мамлакатимиз иқтисодиётини изчил ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини ошириш бўйича кенг қўламли ислохотлар ҳаётга татбиқ этилмоқда.



илғор иссиқхонани олиб киришдан иборат. Бу, ўз навбатида, Ўзбекистонда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти миқдори ошишига хизмат қилади.

Самарқандлик тадбиркор ватандошимизнинг ўз сармояси ҳисобидан ва сурхондарёлик ватандошларимизнинг корейс ҳамкорлари билан ташкил этадиган замонавий клиникалари эса халқимиз саломатлигини тиклашга қаратилган.

Лойиҳалар орасида хориждан зотдор қорамол келтириб қўйиштириш, сут ва гўшт маҳсулотлари етиштириш, балиқхоналар ташкил этиш, шунингдек, интенсив боғлар яратиш, адирларга сув чиқариб, деҳқончилик ва чорвачиликни ривожлантириш каби истиқболли тақлифлар мавжуд.

Республикамиз магистраль йўллари ёқасида замонавий кемпинглар ташкил этиш, логистика марказлари қуриш ва маийий хизмат уйлари барпо этиш бўйича лойиҳалар ҳам ушбу йўналишларда илғор халқаро тажрибани татбиқ этиш имкониятини яратди.

Ватандошларимиз тақдим этган сармоявий лойиҳалар республикамиз маҳаллий ҳокимият органларига етказилмоқда. 2020 йил ноябрь-декабрь ойларида Ташқи ишлар, Ин-



Ушбу лойиҳаларнинг биттаси — Ўзбекистонга Жанубий Корея технологиялари асосида қурилган 5 та илғор иссиқхонани олиб киришдан иборат. Бу, ўз навбатида, Ўзбекистонда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти миқдори ошишига хизмат қилади.

вестициялар ва ташқи савдо вазирликлари, ҳокимликлар ва бошқа мутасадди ташкилотлар вакиллари иштирокида юртдошларимиз билан видео анжуман шаклида 10 дан орттиқ мулоқот ўтказилди.

Биз фурсатдан фойдаланиб мутасадди ташкилотлар ва маҳаллий ҳокимият органлари вакиллари Жанубий Кореядаги сармоядор ватандошларимиз лойиҳаларининг янги Ўзбекистон раванқига хизмат қилишини ташкил этиш йўлида изчил ҳамкорликка қақирамиз.

» Ижтимоий фикр



“Ижтимоий фикр” республика жамоатчилиқ фикрини ўрганиш маркази “Ўзбекистон: жамоатчилик фикри – 2020” мавзусида комплекс социологик тадқиқот ўтказди. Унда Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йилида мамлакатнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ривожланиши борасида фуқароларнинг фикри ўрганилди. Шунингдек, юртдошларимизнинг ижтимоий кайфияти ҳамда давлат ва жамият ҳаётининг асосий соҳаларида эришилган натижалардан қониқиш даражаси аниқланди.

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий, сиёсий тараққиётнинг

сифат жиҳатидан янги bosқичига чиқади



2020 йил якунлари бўйича сўровнинг кўрсатишча, ўтган йил мамлакат ва жамият учун, ҳар бир ўзбекистонликнинг оиласи учун синов йили бўлди. Коронавирус пандемияси билан боғлиқ қийинчиликларга қарамай 61,3 фоиз фуқаро мамлакатдаги мавжуд ижтимоий-иқтисодий аҳолини ижобий баҳолади ҳамда мамлакат раҳбарияти қабул қилаётган чора-тадбирлар туфайли Ўзбекистонда ишлаб чиқариш қувватларининг узлуқсиз фаолият кўрсатиши ва иқтисодиётнинг барқарорлиги таъминланаётганини билдирди. Иштирокчилар ўтказилаётган кенг қўламли иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ислохотлар мамлакатни янада ривожлантиришга, давлат бошқаруви тизимини такомиллаштиришга, иқтисодиётни эркинлаштиришга, мамлакатнинг инвестициявий салоҳиятини ривожлантиришга, саноат ва аграр секторни модернизациялашга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга, аҳолининг фаровонлик даражасини оширишга ёрдам беришига ишонади.

Жамоатчилик фикри сўровининг кўрсатишча, мамлакат фуқароларининг 74,6 фоизи давлат раҳбарининг ижтимоий-иқтисодий ташаббусларида устуворлик касб этган ва фуқароларнинг фаровонлигини оширишга, ижтимоий ҳимояни кучайтиришга, камбағалликка қарши курашишга қаратилган чора-тадбирларга алоҳида аҳамият берган. Сўров иштирокчиларининг қайд этишича, аҳоли фаровонлигини ошириш борасидаги чора-тадбирлар доирасида Ўзбекистонда “Ҳар бир оила – тадбиркор”, “Ёшлар – келажакимиз”, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари самарали амалга оширилмоқда. Бу борадаги ислохотлар одамлар яшаш тарзини ижобий томонга ўзгартириб, фуқароларнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш учун янги имкониятларни тақдим этмоқда.

“Ижтимоий фикр” республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази маълумотлари асосида Лутфулла СУВОНОВ тайёрлади

» Зиёрат туризми



Маънавий ва иқтисодий юксалишнинг муҳим омили

Ўзбекистон азалдан хушманзара табиати, сўлим масканлари, халқимизнинг бетакрор анъаналари ва маданияти билан чет эллик сайёҳларни ўзига жалб этиб келган. Қўҳна обидалар, муқаддас қадамжолар, тарихий-маданий ёдгорликлар доимо сайёҳлар билан файзиёб бўлган. Кейинги йилларда бу анъаналар янада ривож топиб, амалга оширилаётган сайёҳ-ҳаракатлар ва ҳукуратимиз эътибори туфайли зиёрат туризми индустрияси ҳамда инфратузилмаси янги кўриниш, мазмун-моҳият касб этди.

Дарҳақиқат, бизда зиёрат туризмини ривожлантириш бўйича бошқа мамлакатларда мавжуд бўлмаган кенг имкониятлар бор. Бугун ана шу имкониятлар эшигини очиб, уни дунёга тараннум этиш олдимида турган энг муҳим вазифалардан ҳисобланади.

— Бугун дунёда зиёрат туризми жадал ривожланимқода. Жумладан, мамлакатимизда туризмнинг мазкур турига давлатимиз раҳбари томонидан фармон ва қарорлар доирасида эътибор қаратилаётгани, айниқса, қувонарли. Мазкур йўналиш бўйича Дин ишлари бўйича қўмита томонидан қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Пандемия шароитида тўхтаб қолган зиёрат туризмини ривожлантириш бора-сида белгиланган чора-тадбирларни 2021 йилда янада кенгроқ кўлабда амалга ошириш бўйича жадал иш олиб бораёмиш.

Жумладан, юртимиздаги йирик зиёратгоҳлар, шунингдек, Имом Мотуридид, Имом Бухорий, Имом Насафий, Нақшбандий ва Яссавий каби улуг алломаларнинг бой илмий меросларини дунёга кенг тарғиб қилиш мақсадида тажрибали имом-хатибларимиздан иборат тарғибот гуруҳи шакллантирилди. Эндilikда ушбу гуруҳ режа асосида Россия, Қозоғистон, Туркия, Малайзия, Индонезия ва Покистон каби давлатларга юборилади.

Шу ўринда, зиёрат туризми ва алломаларимиз меросини тарғиб қилишга оид бир қанча альбом-проспектлар, китоб ва рисоалар тайёрланиб, нашр ишлари бошлаб юборилди. Албатта, ушбу материаллар турли тадбирлар ва кўргазмаларда намойиш этишга мўлжалланган бўлиб, тарғиботчиларимиз фаолияти учун ҳам муҳим дастурил-амал бўлиб хизмат қилади.

Кези келганда, эришилган амалий натижалар ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. 2021 йилда россиялик зиёратчиларни Ўзбекистонга қабул қилиш бўйича ҳамкорлик дастури тасдиқланди. Ҳозирда ҳар бир МДҲ давлати масъуллари билан шу тарзда алоҳида видеомуроқот ўтказиш режаси ишлаб чиқилди.

Қўпчиликка маълумки, Покистонда Нақшбандия тариқати вакиллари сони кўпчиликини ташкил этади. Шунга кўра, нақшбандия тариқати етакчиси Мухаммад Нақиб ур-Раҳмон билан ҳамкорликда 2021 йилда покистонлик зиёратчиларнинг Бухоро ва Самарқанд шаҳарларига таширф режаси ҳам ишлаб чиқилди. Шунингдек, Қозоғистондан Яссавия тариқати вакиллари

Тўлабий ота, Шайх Хованд Тохур ва Сузук ота зиёратгоҳларига олиб келиш ишлари бўйича ҳам келишувга эришилди. Айни кунларда, зиёрат туризми йўналишида Ҳиндистон, Россия ва Кавказ мусулмонлари, Индонезия, Малайзия, Покистон, Мисрдан зиёратчиларни Ўзбекистонга олиб келиш бўйича музокаралар ўтказилмоқда.

Яқинда туркиялик ҳамкасблар билан бўлиб ўтган музокарада Самарқанд ва Бухоро шаҳарларига зиёратларни ташкил этиш, Ўзбекистоннинг зиёрат туризм имкониятлари ҳақида ҳамкорликда китоб-альбом тайёрлаш, туркиядаги Нақшбандия тариқати вакиллари Ўзбекистонга зиёратини амалга ошириш ҳамда қадимий обидалар, тарихий шахслар ҳақида махсус кўрсатув, фильм ва телесериаллар тайёрлаш юзасидан келишиб олинди.

Саудия Арабистонидаги ҳамкор ширкатлар билан Индонезия, Покистон ва Малайзия давлатлари зиёратчиларини Ўзбекистон орқали Умра сафарига олиб бориш бўйича ҳам амалий сайёҳ-ҳаракатлар бошланган.

— Ўзбекистонга зиёрат мақсадида таширф бўлаётган сайёҳлар орасида қайси мамлакат фуқароларининг қизиқиши юқори?

— Туризмнинг айнан шу тури бўйича Туркия, Индонезия, Малайзия, Россия, Покистон, Хитой, Ҳиндистон, Япония, Европа ва араб давлатлари фуқароларида қизиқиш жуда катта.

Албатта, Ўзбекистон бу соҳада инфратузилмавий ривожлантириш ишларини амалга оширмоқда. Жумладан, Президентимиз томонидан ушбу соҳани фаол ривожлантиришга қаратилган фармонлар имзоланди ва туризм миллий иқтисодиётнинг стратегик соҳасига айланди. Туркия, Малайзия, Индонезия ва Покистон давлатларининг турдош вазирликлари билан зиёрат туризми соҳасида шартномалар имзоланиб, икки томонлама алоқалар фаол ривожлантирилмоқда.

— Зиёрат туризми билан юртимизга келаётган сайёҳлар учун меҳмонхоналарда қандай шароитлар яратилмоқда?

— Республикаимиздаги барча меҳмонхоналарда мусулмон сайёҳлар талабларини қондириш мақсадида жойнамоқ. Қуёвон ва қиёвон кўрсаткичи ўрнатилиши таъминланган. Шунингдек, “Muslim-Friendly Hospitality” мусулмон меҳмондўстлиги халқаро стандарти асосида бугунги кунда сайёҳлик йўналишлари бўйлаб 20 га яқин меҳмонхона

на қурилиши олиб борилмоқда.

— Гид-таржимонларнинг тил билиши муҳим, бироқ зиёрат туризмида муқаддас қадамжолар билан боғлиқ диний ва замонавий билимлар ҳам керак. Шу маънода кадрларни ўқитиш ҳам масаланинг муҳим жиҳатларидан бири саналади.

— Албатта, бу соҳа етук тил малакаси билан бирга гид-мутахассисларимиздан диншунослик, исломшунослик, ислом тарихи, маданияти ва цивилизацияси каби фанлардан билимларни талаб этади. Мутахассис-гид хорижий зиёратчиларнинг қайси давлатдан экани, уларнинг маданияти, этники қарашлари, мазҳаби ва тариқатини инобатга олган ҳолда зиёратчилар учун маълумотларни мазмунли етказиш зарур.

Худди шу йўналишда Ўзбекистон халқаро ислом академияси мутахассислар тайёрламоқда. Жумладан, ушбу олий ўқув юртида зиёрат туризми йўналишида талабаларнинг қабули ташкил этилган бўлиб, исломшунослик ва ислом цивилизациясини ўрганиш — ISESCO ҳамда UNESCO ва жаҳон динларини қиёсий ўрганиш кафедралари фаолият юритмоқда. Самарқанд шаҳрида “Ипак йўли” туризм халқаро университети ҳам бу соҳада малакали кадрлар заҳирасини етиштирмоқда.

— Зиёрат туризми билан мамлакатимизга келаётган сайёҳларнинг йиллик ўртача сони қанча?

— Юртимизга Ислмо ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлардан 2018 йилда 5,1 миллион, 2019 йилда 6,7 миллион сайёҳ келган. Пандемия туғандан сўнг, 2021 йилда ушбу кўрсаткич кескин ортиши кутилмоқда.

Айниқса, “Умра+” йўналиши (Умра ибодатини амалга ошириш учун Саудия Арабистонидаги Ўзбекистон орқали сафар қилиш) Ўзбекистоннинг географик жойлашуви ва Ислмо цивилизацияси тарихидаги ўрни сабабли йирик потенциалга эга лойиҳалардан бири ҳисобланади.

Бу борада Индонезия, Малайзия, Покистон, Туркия вазирлик ва идоралари билан жадал ишлар олиб борилмоқда. Коронавирус пандемияси дунё бўйлаб тарқалиб, Саудия Арабистони чегараларни ёлғунга қадар, Индонезия ва Малайзия давлатларидан илк гуруҳларнинг Бухоро, Самарқанд ва Тошкентдаги зиёрат масканларига таширфлари ташкил этилди. Ушбу зиёратчилар “Умра+” дастурига биноан юртимиздаги 3-4 кунлик

Жумладан, юртимиздаги йирик зиёратгоҳлар, шунингдек, Имом Мотуридид, Имом Бухорий, Имом Насафий, Нақшбандий ва Яссавий каби улуг алломаларнинг бой илмий меросларини дунёга кенг тарғиб қилиш мақсадида тажрибали имом-хатибларимиздан иборат тарғибот гуруҳи шакллантирилди. Эндilikда ушбу гуруҳ режа асосида Россия, Қозоғистон, Туркия, Малайзия, Индонезия ва Покистон каби давлатларга юборилади.

зиёратдан сўнг Умра учун Саудия Арабистонига жўнаб кетиши йўлга қўйилди. Албатта, бу ишлар Саудия Арабистони Умра дастурини тиклагандан кейин давом эттирилади.

— Зиёрат туризми бўйича олиб борилаётган тадқиқот ишлари ҳақида ҳам маълумот берсангиз.

— Бугунги кунда маҳаллий ва хорижий олий ўқув юртилар, тадқиқот марказлари томонидан бу йўналишда қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Имом Мотуридид халқаро илмий-тадқиқот маркази, Мир Араб олий мадрасаси ҳамда республикамиз олий таълим муассасалари ва тадқиқот марказларида зиёрат туризми мавзусида PhD ва DSc илмий унвонлари бўйича академик тадқиқотларини олиб бораётган 100 дан ортиқ тадқиқотчи мутахассислар мавжуд.

Шунингдек, тадқиқотчиларимиз Россия (Булғор ислом академияси), Туркия (Ислмо тарихи, санъати ва маданияти маркази), Миср (Ал-Азхар университети), Буюк Британия (Оксфорд ислом тадқиқотлари маркази) ва АҚШнинг турдош тадқиқот марказларида ҳам ўз илмий изланишларини олиб борапти. Зиёрат туризмининг ривожланиш бора-сида олиб борилаётган сайёҳ-ҳаракатлар замирида Ўзбекистоннинг жаҳон мамлакатлари орасида туризм йўналишидаги ўрнини мустақамлаш, муносиб ўринга олиб чиқиш, қолверса, дунё ахлига юртимизнинг нақадар бой тарих ва маданиятга эга эканини кўрсатишди.

“Янги Ўзбекистон” мухбири
Башорат ЮНУСОВА суҳбатлашди.



Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида 2020 йил 9 декабрь кунини туризм ва спорт соҳаларида амалга оширилаётган ишлар ҳамда келгуси йилдаги вазифалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида зиёрат туризмга алоҳида эътибор қаратилди. Йиғилишда, шунингдек, соҳада амалга оширилиши керак бўлган қатор вазифалар белгилаб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси Абдуғофур АҲМЕДОВ билан суҳбатимиз юртимизда зиёрат туризми йўналишида олиб борилаётган ишлар хусусида бўлди.

— Зиёрат туризмига бўлган эътибор қай даражада? Ўзбекистоннинг бу борадаги салоҳияти ҳақида тўхталиб ўтсангиз.

— Аввало, бир жиҳатни алоҳида қайд этишни хоҳлардим. Бугун бутун дунёдан Ўзбекистонга таширфлар ҳар томонлама фоаллашган. Юртимизнинг машҳур зиёратгоҳ, қадамжолар ва тарихий объектларига сайёҳларни жалб қилиш орқали мамлакатда туризмини ривожлантириш ҳам шу соҳадаги муҳим қадамлардан биридир.

Маълумки, Ўзбекистон тарихий қадамжолар

» Ифтихор



Асалхон
РАҲМАТУЛЛАЕВА,
Қамолиддин Бехзод
номидаги
Миллий рассомлик
ва дизайн институти
докторанти

Миниатюра нафис санъат тури сифатида наинки мутахассисларни, балки ҳаётини санъат ва маданият билан боғламаган ҳар қандай инсонни ҳам ўзига махлиё этади. Қадимдан китобларни безаб, улардаги матн гоъларини ўзида мўжассам этиб келган гўзал ва мўъжаз расмлар йиллар ўтиб алоҳида санъат тури сифатида бўй кўрсата бошлади. Кейинчалик бутун Европа таърифи санъати ҳам ўз таъсирини ўтказган ва кўплаб ғарб рассомларини ўзига жалб этган миниатюра санъати узоқ ва самарали тараққиёт босқичларидан ўтди.

Бу санъатнинг ёрқин намоёнаси Қамолиддин Бехзод мазкур санъат турида кўплаб ижобий ютуқларга эришди ва уни қайта кашф этди. Бизни ҳаяжонга солган ва ушбу мақолани ёзишга ундаган туртки яқинда юртимизда ўтказилган “Ўзбекистон маданий мероси — янги Ренессанс пойдевори” мавзусидаги IV халқаро анжуман таассуротлари бўлди. Миниатюра санъати Номаддий маданий меросни муҳофаза қилиш бўйича ҳукуматлараро қўмитанинг 15-сессиясида бир овоздан ЮНЕСКОнинг номаддий маданий мероси репрезентатив рўйхатига киритилди. Бу қувончли

Қамолиддин Бехзод мероси асрлардан садо беради

хабар санъатшунослар, тадқиқотчилар, олимлар ва шу соҳада илмий-ижодий фаолият юритаётган илмушуносларга ҳам илҳом бағишлади, ҳам уларнинг зиммасига катта масъулият юкледи.

Ҳозир олиб бораётган илмий тадқиқотим доирасида миниатюра санъатининг қанчалик буюк тарихга эгалиги, унинг инсоният ижтимоий ҳаётидаги ўрни, Шарқ халқлари тарихини тўри ва ҳаққоний ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилишини чуқурроқ англаб бораёман. Сабаби, бакалавр дипломи ишим, магистрлик ва докторлик диссертацияларимда ҳам Шарқ миниатюра санъати тарихи, унинг ривож бора-сида изланиш ва тадқиқотлар қилдим. Ҳалигача менда унинг кўплаб очилмаган сирларини ўрганиш иштиёқи сўнггани йўқ.

Халқимиз тарихи саҳифаларини зарҳал битиклар билан безаган, нафақат бизнинг, балки бутун дунё халқларининг тараққиётига муносиб ҳисса қўшган аждодларимиз ҳақида ҳар қанча фахрланиб гапирсак оз. Шу боис, қадимий тарих ва бой маданиятимизни тиклаш, буюк алломаларимиз, азиз авлибаларимизнинг илмий, диний ва маънавий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, тарғиб қилиш, муқаддас қа-

дамжоларни ободонлаштириш, қадимий ёзма манбалар фондида эга бўлган муассасалар фаолиятини такомиллаштириш мақсадида 2017 йил 24 майда Ўзбекистон Президентининг “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинганди. Утган йиллар мобайнида мамлакатимизда бу борада кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Жумладан, Президентимизнинг буюк мусаввир, Шарқ миниатюра мактаби етук намоёнасида Қамолиддин Бехзод таваллудининг 565 йиллигини нишонлаш кўзда тутилган 2020 йил 21 апрелдаги “Тасвирий ва амалий санъат соҳасида самарадорлигини янада оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори фикримиз исботидир. Чунки Қамолиддин Бехзод номи тарихдан сўйлайди, ўрта асрлардан садо беради, тасвирий санъатдан қуйлайди.

Қамолиддин Бехзод ижод йўли ва фаолияти беш асрдан ортиқ давр мобайнида нафақат юртимиз олимлари, тарихчи, санъатшунослари, балки бутун жаҳон санъат ва маданият, илм ахлини қизиқтирган ҳамда кўплаб тадқиқотлар, изланишларга сабаб бўлиб келаётган мазмунлар

дан ҳисобланади. Рассомнинг жаҳон мақсадида тан олинishi, унга “Шарқ Рафазли” мақоми берилиши ҳам буюклигини ифодалаб турибди. Унинг санъати нафақат Шарқ, балки европалик рассомларнинг ижодида ҳам ўз таъсирини ўтказди.

XX аср бошларида Европада юзага келган импрессионистлар — Питер Паул Рубенс, Анри Матисс ва бошқалар ижодида Бехзод миниатюра мактаби таъсирини кўриш мумкин. Европа Уйғониш даврининг буюк ижодкорларидан XX асрнинг йирик рассомларига, жумладан, Густав Климт, Каземир Малевич, Василий Кандинский кабилар ўрта аср Шарқ миниатюра санъати анъаналаридан илҳомланган. Шу боис, Қамолиддин Бехзод ва унинг издошлари ижодини ўрганиш, меросларига оид ашёларни тўплаш мақсадида чет элларга борувчи илмий экспедицияларни ташкил этишга амалий ёрдам кўрсатиш, хорижда сақланган асарларнинг асл ёки қўчирма нусхаларини юртимизга қайтариш бўйича 2020-2022 йилларга мўлжалланган “Йўл харитаси” маҳоратли мусаввирнинг ижод йўлини ўрганишда жуда катта қадам бўлди. Президентимиз томонидан қабул қилинган қарорнинг тарихийлиги ва аҳамияти ҳам шунда. Пандемия

шароити бўлса-да, юртимизда ушбу қарор асосида Қамолиддин Бехзод таваллудининг 565 йиллик юбилейи кенг нишонланди. Бу тадбирларни дунё олимлари ва жамоатчилиги катта қизиқиш билан қарши олди.

Қамолиддин Бехзод миниатюра рангтаърифи ривожини юқори босқичга олиб чиқди, тасвирига янги ҳаёт бахш этиб, миниатюра ни мустақил асарга айлантирди. “Иккинчи Моний” номи билан “Аср нодири” дея таъриф берилган ижодкорнинг ажойиб ижод маҳсуллари дунёда тан олинган машҳур рассомлар асарлари билан бир қаторда жаҳондаги кўплаб музейларда сақланади. Истеъдодли рассомнинг бой ижодий мероси ҳануз янги ижодий изланишлар учун битмас-туганмас илҳом манбаи бўлиб хизмат қилмоқда. Зеро, замонамиз ижодкорларининг ажойиб маҳобатли расмларини яратишда иккинчи Уйғониш даврининг йирик вакили, дунё тан олган Қамолиддин Бехзод ижодида қайта-қайта мурожаат қилиш шундан.

Президентимизнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кўнига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида таъкидлаб ўтилганидек, биз кенг кўламли демократик ўзгаришлар, жумладан, таълим ислохотлари

